



ЎЗБЕКИСТОН ВА ФРАНЦИЯ ЎРТАСИДА КЎП АСРЛИК ДЎСТЛИК ВА МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР МУЖАССАМ

Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макрон Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида тунги Самарқанд бўйлаб сайр қилди.



Давлат раҳбарлари ЮНЕСКО-нинг Жаҳон мероси рўйхатида киритилган Регистон мажмуасига ташриф буюрдилар.

Олий мартабали меҳмонга ушбу Шарқ меъморчилиги дурдонасининг қурилиш тарихи, ноёб нақшлари, ушбу маскан билан боғлиқ машҳур воқеа ва шахслар хусусида сўзлаб берилди.

Франция Президентининг ташрифи Самарқандда ўтаётгани ва айнан Регистондан бошлангани бежиз эмас. Бу ерда халқларимиз ўртасидаги тарихий муштаракликни мужассам этган жиҳатлар кўп.

Хусусан, Соҳибқирон Амир Темури буюк саркарда, савдо ва илм-фан ҳомийси сифатида Осие ва Европада рўй берган тарихий ўзгаришларга катта таъсир кўрсатган. XV асрда Парижда унинг шарафига “Европанинг халоскорига” деган ёдгорлик қўйилган. Амир Темури ва Франция қироли Карл VI бир-бирига мактублар юбориб, алоқа ўрнатган. Ёзишмаларда сиёсий масалалар билан бир қаторда савдо-иқтисодий

алоқаларга ҳам катта эътибор қаратилган.

Францияда буюк Соҳибқирон ва темурийлар ҳақида кўплаб илмий, бадиий асарлар yaratилган. Жумладан, француз мутафаккири ва адиби Вольтер асарида Мирзо Улуғбек, машҳур ёзувчи Жюль Верн романида Регистон маҳобати ҳақида тўлқинланиб ёзилган.

Франция делегацияси айнан шу майдонда бўлиб турибди. Тунги чироқлар билан ёритилган мажмуанинг улуғворлиги ва гўзаллиги меҳмонларда катта завқ уйғотди.

Шундан сўнг Президентлар “Буюк ипак йўли” халқаро туризм марказидаги “Боқий шаҳар” тарихий-этнографик мажмуасида бўлдилар.

Бу ерда халқимизнинг буюк ўтмиши рамзлари тўпланган, тарихий шахарларимиздаги диққатга сазовор жойларнинг нусхалари барпо этилган. Миллий анъаналаримиз ҳамда дўст халқлар билан алоқалар тарихи ҳам акс эттирилган. Хусусан,

Афросиёб ёдгорлиги деворларида сақланиб қолган Корея, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар элчиларини қабул қилиш маросими тасвирларидан фойдаланилган. Бундай маъно-мазмун, тарих ва бугунги кун уйғунлиги меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Давлат раҳбарлари ўртасида самимий мулоқот бўлди. Самарқанд жаҳон цивилизациясининг қадимий бешиklarидан бири бўлгани, бугун ҳам халқаро саммит ва туризм марказига айланиб бораётгани қайд этилди. Меҳмонларга халқимизнинг бетакорор бадиий, ҳунармандлик ва мусиқий маданияти намойиш этилди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари, шу жумладан, олий даражадаги музокаралар 2 ноябрь куни бўлиб ўтди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маъбуот хизмати сурати.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

ШҲТ БИРИНЧИ ТРАНСПОРТ ФОРУМИ

СЕРҚИРРА ҲАМКОРЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

Ўтган йил сентябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммитида тузилманинг Ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш ва самарали транспорт йўлаklarини яратиш концепцияси қабул қилинган эди. Саммит доирасида Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши тўғрисида уч томонлама битим имзолашни тарихий воқеа бўлди.

Бу магистрал Хитойдан Яқин Шарқ, Марказий ва Шарқий Европа бозорларига энг қисқа йўл билан боғланишга шароит яратади. Ўзбекистонни эса Каспий денгизидagi Туркменистон халқаро денгиз порти билан боғлайдиган темир йўл тармоғига улайди.

Шундан кейин Озарбайжоннинг Боку порти орқали Кавказ, Туркия ва Қора денгизга ёки Шимолий-Жанубий халқаро транспорт йўлаги билан Эрон, Ҳиндистон, Форс кўрфазига чиқишини таъминлайди.

Давоми 2-бетда

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

ТАЪЛИМ КРЕДИТИ

ёшлар учун катта имконият

Янги ўқув йилининг дастлабки ойлари ҳам ортада қолмоқда. Олий таълим муассасаларида ўқув йили бошида кузатиладиган барча жараён, жумладан, тўлов-шартнома масалалари хали ҳам долзарб. Чунки талабалikka тавсия этилганларнинг салмоқли қисми тўлов шартнома асосида ўқишга қабул қилинган. Аксариятида ўқишга иштиёқ, рағбат кучли бўлса-да, хаёлининг бир бурчида контракт пулини тўлаш муаммоси туради. Хўш, бу масала бугун қандай ечим топаётми? Шартнома асосида тахсил олиш учун ҳамма оилада моддий имконияти етарли бўлмаслиги табиий хол. Шу боис, бу борада қандай имтиёзлар мавжуд? Ёшларнинг сифатли ва мазмунли ўқиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида жорий этилган таълим кредити тўлов имкониятига эга бўлмаган оилаларга қўмақ бўлаётми?

Қамров ошди, талабалар сони ҳам

Ўтган 6 йилда мамлакатимиздаги олий ўқув юртлиари сони 77 тадан 213 тага етди. Шунингдек, қабул квотаси 3,5 баробар ортди. Олий таълимда


рақобатни қўллаб-қувватлаш ва хусусий секторни жалб қилиш орқали 30 та хорижий ҳамда 67 та нодавлат ОТМ очилди. Шу асосда ёшларни олий таълим билан қамров даражаси 9 фоиздан 42 фоизга етказилди.

Давоми 5-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ

БУЮК ХАЛҚ ТЕНГЛАМАСИ

Миллий давлатчилигимизнинг 3000 йиллик тарихий йўли бир маромада кечмагани яхши маълум. Унинг ҳар бир босқичи ўз хусусиятларига эга бўлган ва шундай бўлиши ҳам табиий. Тарихий қонуниятлар эса уларни англаш, ўрганиш ва хулосалар қилиш орқали туғилади. Шу маънода, Президентимиз жорий йил 11 октябрь куни ўтказган йиғилишида қатнашар эканмиз, қисқа даврда туриш-турмушимиз қанчалар ўзгаргани, қараш ва мўлжалларимиз, ҳаётдан муддаоларимиз, ечишга киришган муаммоларимизнинг кечаги ва бугунги сифати, қўлами, келажакга ўртасидаги фарқ ер билан осмончалик бўлиб бораётгани ҳақидаги ўй ва таҳлиллар қуйилиб келаверди. Негаки 2016 йил сўнги чорагига қадар кечган салкам юз йил ичида одатда ўзбекининг бутун кузи, айниқса, октябрь ойи ўргаларида кун тартибида асосан битта масала турарди: пахта!



Мустақиллигимиз тикланиб, жадидчилик бир сидра жонлангандек бўлиб, Абдулла Авлонийнинг тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё наҳот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир чақирғини тури минбарлардан бемалол жарангалотолсақ-да, аслида бизнинг кузак ҳаёт-мамотимиз пахталигича қолаверганди. Ундан муҳимроқ, ташвишлироқ, қалтисроқ мавзу бўлмасди, бўлиши ҳам мумкин эмасди. Бирон иш, ишқал чикиб қолса, тўхтаб тур, пахта ўтсин кейин, ҳозир бу ҳеч кимга ёқмайди, ишқилиб об-ҳаво туриб берсин-да, болаларимиз пахтадан қачон қайтаркин, қабилидаги гап-сўзлар тинмас эди. Бугун-чи, бугун?

2023 йил кузининг қирқ иккинчи кунинда бўлиб ўтган тадбирда юртимизда сайёҳлик соҳасини янада ривожлантириш, меҳмонхоналар сонини ошириш, Мадрид, Бахмалга учоқларни йўлга қўйиш, 56 та замонавий самолёт ва 36 та тезорар поезд сотиб олиш, аэропортларни хусусий бошқарувга бериш, сайёҳлик бўйича етук мутахассислар тайёрлаш, Сурхондарёдаги буддавийлик ёдгорликларига чет элликларни жалб қилишни кучайтириш, Бухорода ҳам “Боқий шаҳар” барпо этиш, 16-20 октябрь кунлари Самарқандда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO) Бош

ассамблеясининг 25-йиғилишини ўтказиш, яқин келажакда “Шарқ тароналари”ни Ахсикентда уюштириш, Андижонда Заҳриддин Муҳаммад Бобур музейини катталаштириш, буюк бобомизга атаб боғ барпо этиш, 85 миллионга кўчат экиш, узумзор, тутзорлар яратиш, тарих, маданият, кино, миллий давлатчилик қаби — Янги Ўзбекистонимиз учун “ҳаёт-мамот” эмас, балки бемалол қилса бўладиган, ўтган қисқа муддатда маъмур йўналишларда мақтаса арзиғилик ишлар ҳам бажариб қўйилган масалалар ҳақида сўз кетди.

Давоми 3-бетда

ҚОНУНГА ШАРҲ



ЖАМОАТ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН 2 СЕРВИТУТ ТАРТИБИ

ТАҲЛИЛ ВА ТАЖРИБА



ИСТЕЪМОЛ НАРХЛАРИ ИНДЕКСИ 4

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

ШҲТ БИРИНЧИ ТРАНСПОРТ ФОРУМИ

серқирра ҳамкорликнинг истиқболли лойиҳалари муҳокама марказида

Бошланиши 1-бетда

Самарқанд саммитида стратегик жихатдан яна бир муҳим лойиҳа — Термиз — Мозори Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли қурилиши қўллаб-қувватланди. Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши Араб денгизидagi Покистон портларига (Гвадар, Қорачи ва бошқа) чиқадиган янги ва энг қисқа транзит йўлагини шакллантириш имконини беради. Бу йўлнинг қурилиши Ўзбекистондан Покистонга юк ташини 35 кундан 3-5 кунгача қисқартиради ва нархини 30-35 фоизга камайтиради. Бинобарин, бугунги

кунда денгизга тўғридан-тўғри чиқиб имкони бўлмаган Марказий Осиё давлатларининг транспорт харажатлари экспорт маҳсулоти таннархининг 70-80, импортнинг эса 60 фоизини ташкил этмоқда.

Транспорт вазирлиги маълумотларига кўра, мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида Марказий Осиё давлатлари Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб давлатлари ўртасида йирик логистика хабига ҳамда Буюк йпак йўлининг тарихий "юртаги"га айланади.

Минтақа давлатлари энг қисқа ва арзон йўналиш орқали океанларга чиқади, давлатларимизнинг транзит салоҳияти

каррасига ошади. Ўнг минглаб янги иш уринлари яратилади, бу эса ўз навбатида, иқтисодийнинг кескин ривожланишига катта туртки бўлади.

Қайд этиш жоиз, 2022 йил давомида Трансафрон йўлаги орқали юк ташувлар ҳажми 2,5 баробарга ошиб, 670 минг тоннани ташкил этган бўлса, жорий йил якунига қадар бу кўрсаткич 1 миллион тоннадан ошиши кутилмоқда.

"Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон" мультимодал транспорт йўлаги орқали ҳам юк ташувларининг кескин ошиши давом этмоқда. 2022 йилда мазкур транспорт йўлаги орқали юк ташувлари ҳажми 7,5 мартабга ошади, Ўзбекистоннинг Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари билан юк ташувлари умумий ҳажмидаги улуши 1 фоиздан 13 фоизга етди.

Халқаро экспертлар фикрича, Ўзбекистон ташқи савдосининг ярмидан кўпи ШҲТ мамлакатлари ҳиссасига тўри келади. Мамлакатимизда ҳозирги кунда улар сармоясини иштирокидаги 7,5 мингдан ортиқ компания фаолият юритмоқда.

Президентимиз Самарқандда ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқида транспорт ва коммуникациялар соҳасидаги барча истиқболли лойиҳаларни 2023 йили Ўзбекистонда мазкур ташкилотнинг Биринчи транспорт форуми доирасида муҳокама қилиш таклифини илгари сурган эди.

1 ноябрь куни Тошкент шаҳридаги "Ўзэкспомарказ"да Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг мазкур форуми иш бошланди. Унда ташкилотга аъзо давлатлар транспорт вазирлари, вазир ўринбосарлари, темир йўл маъмурияти раҳбарлари, транспорт-логистика корхоналари вакиллари иштирок этмоқда.

— Форумнинг асосий мақсади ташкилотга аъзо давлатлар транспорт тизимининг ўзаро боғлиқлигини мустақамлаш, соҳага рақамли технология

ва инновацияларни жорий этиш, янги транспорт йўлақларини ташкил этиш, "яшил" транспорт тизимига ўтиш, мамлакатларимиз ўртасида юк ва йўловчи ташувларини янада энгиллаштириш борасида таклифлар ишлаб чиқиш ва муаммоларга аниқ ечимлар топишга қаратилган, — деди Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири Илҳом Маҳмамов. — Бугунги кунда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти — улкан географик маконни қамраб олган ва сайёраимиз аҳолисининг қарийб ярмини бирлаштирган йирик минтақавий тузилма ҳисобланади. Унинг Хартиясида ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан бири — мавжуд транспорт ва коммуникациялардан самарали фойдаланиш, ташкилотга аъзо давлатларнинг транзит салоҳиятини такомиллаштиришдан иборатлиги қайд этилган. Ҳозирги кунда ташкилотга аъзо ва кузатувчи макомига эга давлатлар томонидан бир қатор йирик инфратузилма лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда ҳам кейинги йилларда минтақада мавжуд муқобил оптимал мультимодал транспорт йўлақларини ривожлантириш ва янгиларини яратиш бўйича амалий чоралар қўрилмоқда. Хусусан, Беларусь — Россия — Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон янги муқобил мультимодал транспорт йўлагини яратиш ташаббуси фаол илгари сурилмоқда. Бундан ташқари, айни пайтда яна бир йўналиш — "Хитой — Қозғистон — Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Туркия — Европа Иттифоқи давлатлари" Жанубий йўналиши бўйича юк ташини ривожлантириш, ҳамкорликни фаоллаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирда дунёнинг турли нуқталарида давом этаётган можаролар юк оқимлари ва етказиб бериш логистика занжирини издан чиқариб, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш борасидаги муаммоларни янада

кескинлаштирмоқда. Бундай мураккаб шароитда бир ҳақиқат аниқ: ҳеч бир давлат ёлғиз ҳолда ушбу глобал хавф-хатарларни четлаб ўтиш ёки бартараф этишга қодир эмас.

Жараёнлар ўзаро чамбарчас болган шароитда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг транспорт ва логистика соҳасидаги муаммоларини ҳал этишнинг ягона йўли — конструктив мулоқот ҳамда ҳар бир тарафнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама ҳамкорлик ҳисобланади.

— Шу муносабат билан ташкилотга аъзо давлатларнинг жаҳон транспорт бозорида рақобатбардошлигини ошириш учун комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади, — деди Илҳом Маҳмамов. — Бунинг учун, энг аввало, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг транспорт форумини аъза давлатларнинг аъзо давлатлари билан унда нафақат соҳа вазирларининг учрашуви, балки бизнес вакилларининг ҳам ўзаро мулоқотини йўлга қўйиш зарур.

Иккинчидан, янги муқобил транспорт йўлақларини ҳамкорликда ташкил этиш, соҳада стандартларни уйғунлаштириш, мослашувчан тариф сиёсатини қўллаш, учинчидан, транспорт артериялари бўйлаб ҳамда чегарадош ҳудудларда йирик мультимодал логистика марказларини қуриш, тўртинчидан, чегара назорат-ўтказиш пунктларида иш тартибини 24/7 форматда ташкил этиш ҳамда виза бериш

жараёнини соддалаштириш, бешинчидан, рақамли технологиялар ва интеллектуал транспорт тизимларини кенг жорий этиш ҳамда логистика соҳасида илғор тажриба алмашиш лозим.

Мазкур таклифларни амалга ошириш учун ташкилотга аъзо давлатларнинг транспорт сиёсатида мутасадди давлат идоралари ўртасида доимий ишловчи Ишчи гуруҳини шакллантириш ва унинг вазифаларини белгилашни таклиф этилади.

Анжуман доирасида "Беларусь — Россия — Қозғистон — Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон" халқаро транспорт йўлагини яратиш ва ривожлантириш бўйича аниқлашув меморандуми, "Россия — Каспий денгизи — Туркменистон — Ўзбекистон — Қирғизистон" халқаро транспорт йўлагини шакллантириш ва тараққий этиши бўйича ўзаро аниқлашув меморандуми имзоланди.

Бугун форум доирасида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар транспорт вазирларининг 12-учрашуви ўтказилди. Унда савдо ва транспорт коммуникациялари соҳасида минтақавий алоқаларни ривожлантириш ва ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда мустақамлаш каби масалалар муҳокама этилади.

Шунингдек, "Ўзэкспомарказ"да "Aviation & Logistics Forum — 2023" халқаро форуми ва "Trans Logistics Uzbekistan — 2023" кўргазмаси ҳам давом этмоқда. Бу йилги кўргазмада 15 мамлакатдан 60 дан ортиқ компания иштирок этапти. Павильонларда ҳаво, автомобиль, денгиз, мультимодал транспорт, ҳаво кемалари ва электровозларга хизмат қўрадиш, транспорт соҳаларида кенг қўламли технологиялар, уларга доир маҳсулотлар билан танишиш мумкин.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи



“ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ САМАРҚАНДДА ШҲТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИДА ТРАНСПОРТ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАР СОҲАСИДАГИ БАРЧА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРНИ 2023 ЙИЛИ ЎЗБЕКИСТОНДА МАЗКУР ТАШКИЛОТНИНГ БИРИНЧИ ТРАНСПОРТ ФОРУМИ ДОИРАСИДА МУҲОКАМА ҚИЛИШ ТАКЛИФИНИ ИЛГАРИ СУРГАН ЭДИ.

ҚОНУНГА ШАРҲ

ЖАМОАТ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН СЕРВИТУТ ТАРТИБИ

У ҚАЧОН ВА ҚАНДАЙ ҲОЛАТЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛАДИ?

Узоқберген ЖАҚСИМУРОТОВ,
Фаррух ЖЎРАЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходимлари

Мамлакатимизда ер муносабатлари соҳасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда ундан фойдаланиш бўйича изчил ислохотлар кечмоқда. Жумладан, жорий йил 23 октябрь куни "Ер тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Унга кўра, жами 11 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Фуқаролик, Ер ва Шаҳарсозлик кодексларидан ўзгаришлар қилиниши билан қаратилган қатор нормалар урин олди.

Биринчидан, ер участкасига бўлган ҳуқуқ бошқа шахсга ўтказилганда сервитут сақланади.

Амалиётда сервитут белгиланиб, тарафлар ўртасида келишувга эришилганда сўнг бирор сабаб билан ер участкаси эгаси ўзгарганида, яъни ер участкасининг янги эгаси томонидан сервитут шартлари бекор қилиш ҳолатлари кузатилади.

Масалан, бир ресторан ҳовлисидаги ариқ орқали сув қўшни ҳовлиларга ўтади. Қўшнилар ресторан эгаси билан сервитут, яъни ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланишга келишиб олган. Бироқ рестораннинг янги эгаси эски раҳбар ва қўшнилар билан тузилган келишувни бекор қилди.

Амалдаги қонунчиликда бундай вазиятлар қандай ҳал этилиши билан боғлиқ аниқ механизмлар белгиланмаган эди. Бу эса, ўз навбатида, сервитут белгиланишини талаб қилган шахсларнинг ҳуқуқлари бузилиши ҳамда зарурий эҳтиёжлари қондирилмаслигига сабаб бўлаётганди.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Фуқаролик ва Ер кодексларида сервитут белгиланган ер участкасига бўлган ҳуқуқлар бошқа шахсга ўтган тақдирда ҳам сақланиб қолишига оид нормалар киритилди.

Бундан ташқари, ушбу кодексларда сервитут олди-сотди, ҳада, гаров ёки ижаранинг мустақил предмети бўлиши мумкин эмаслиги, шунингдек, уни сервитут белгиланган кўчмас мулкнинг ҳуқуқ эгаси бўлмаган бошқа шахсларга бериш тақиқланиши ҳам қайд этилди.

Фуқаролик кодексига қўшилган янги прим моддага кўра, агар сервитут белгиланган ер участкасини бўлиш сервитутдан фойдаланишга тўқинлик қилмаса, сервитут ер участкасининг бўлинган қисмларига нисбатан ҳам сақланиб қолади. Бунда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, бўлинган ер участкаси ижарачилари ва мулкдорлари сервитут шартлари қайта кўриб чиқилишини талаб қилишга ҳақли бўлади.

Агар сервитут бўлинган ер участкасининг фақат битта қисмига белгиланса, у қолган ер участкаларига нисбатан бекор қилинади.

Иккинчидан, эндиликда бинолар, иншоотлар ва бошқа кўчмас мулкларга ҳам сервитут белгиланиши мумкин.

Қонун қабул қилинганга қадар Фуқаролик ва Ер кодексларида сервитут оид фақат назарий қондалар белгиланган эди.

Шунингдек, қонунчилигимизда бинолар, иншоотлар ва бошқа кўчмас мулкларга сервитут белгиланган оид қондалар назарда тутилмагани сабабли амалиётда кўплаб низоли ҳолатларни вужудга келтираётганди.

Масалан, кўп қаватли биноларда фаолият юритувчи икки ёки ундан ортиқ ташкилот зарурий эҳтиёжларини қондириши учун ушбу бинодан чеклан-



“ ОММАВИЙ СЕРВИТУТ МАНФААТДОР ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ АСОСИДА ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ҲОКИМЛАРИ ҚАРОРИ БИЛАН ЎРНАТИЛАДИ. БУНДА СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАР, ТАБИИЙ ҲУДУДЛАР, МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИ ЕРЛАРИГА ОИД ҚАРОВЛАР ТЕГИШЛИ СОҲАДАГИ ВАКОЛАТЛИ ДАВЛАТ ОРГАНИ БИЛАН КЕЛИШИЛАДИ.

ган тарзда фойдаланишда айрим вазиятларда низоли ҳолатлар ҳам учраётганди.

Низоли ҳолатларни бартараф этиш мақсадида Фуқаролик кодексига ер участкасидан фойдаланишдан ташқари чекланган тарзда фойдаланиш зарур бўлган бинолар, иншоотлар ва бошқа кўчмас мулкка ҳам сервитут белгиланиши мумкинлигига оид қондалар киритилди.

Сервитут тўғрисидаги шартномада кўрсатилиши лозим бўлган шартлар

Ер кодекси янги прим модда билан тўлдирилиб, унда ер участкасига нисбатан сервитут тўғрисидаги шартномага қўйилган талаблар аниқ белгилаб қўйилди.

Унга кўра, сервитут тўғрисидаги шартномада қуйидаги шартлар кўрсатилиши керак:

- сервитут белгилангани керак бўлган ер участкасининг кадастр рақами;
- сервитутни белгилашнинг мақсадлари ва асослари;
- шартнома тарафлари тўғрисидаги маълумотлар;
- сервитутнинг амал қилиш муддати;
- сервитут учун белгиланган ҳақ миқдори (мавжуд бўлганда);
- шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги;
- белгиланган сервитут муддати тугаганидан кейин ер участкасини белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш ҳақидаги сервитут мажбурияти.

муҳандислик ҳамда бошқа тармоқлар ўтказиш ва улардан фойдаланиш.

Давлат мулки бўлмаган бино, иншоот ва кўп йиллик дов-дараклар жойлашган ер участкаларига оммавий сервитут белгилаш тақиқланади.

Оммавий сервитут манфаатдор ташкилотларнинг мурожаатлари асосида вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари қарори билан ўрнатилди. Бунда суғориладиган ерлар, табиий ҳудудлар, маданий мерос объектлари ерларига оид қарорлар тегишли соҳадаги ваколатли давлат органи билан келишилади.

Бундан ташқари, ер участкасидан фойдаланиш, иншоотлар қуриш, уларга хизмат қўрадиш, ерни аввалги ҳолатига келтириш каби шартлар белгилаб қўйилди. Шу билан бирга, оммавий сервитут белгилаш ҳақидаги қарорда сервитут тўғрисидаги шартномада кўрсатилиши лозим бўлган барча шартлар кўрсатилиши керак.

Тарафларга ўзаро келишув асосида ёки суд тартибидо ҳоким қароридан белгиланган сервитут шартларини ўзгартириш ҳуқуқи берилди.

Илғор хорижий давлатлар амалиётида сервитут институти

МДҲ давлатларида сервитут билан боғлиқ муносабатлар Фуқаролик ва Ер кодекслари ҳамда қисман шаҳарсозлик (қурилиш) соҳасидаги қонунчилик билан тартибга солинган.

Хусусан, Россия Ер кодексига сервитут билан биргаликда оммавий сервитутга оид қондалар тўлиқроқ баён қилинган. Ушбу кодексга кўра, давлат ва коммунал эҳтиёжлар, шунингдек, маҳаллий аҳоли эҳтиёжларини қондириш мақсадида давлат ҳокимияти ижроия органи ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи қарори билан ер участкаларини олиб қўймаган ҳолда (оммавий сервитут) белгиланиши мумкин.

Қозғистон Ер кодексига давлат ва маҳаллий аҳоли манфаатлари юзасидан, фойдали қазилмаларни қидириш ва ёки геологик ўрганиш зарурати туғилганда, ер участкаларини мулкдордан олиб қўймаган ҳолда, вилоятлар маҳаллий ижроия органларининг қарорлари асосида оммавий сервитутлар белгиланиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, Грузия, Германия, АҚШ, Буюк Британия, Австрия, Латвия, Украина, Сингапур ва бошқа давлатлар қонунчилигида сервитут институтига оид қондалар кенг тартибга солинган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ

БУЮК ХАЛҚ ТЕНГЛАМАСИ



Азамат ЗИЁ, ФА Тарих институти директори, тарих фанлари доктори, профессор

Бошланғичи 1-бетда

Агар шундан кейин — октябрь ойининг охиригача юз берган муҳим воқеалар — давлатимиз раҳбарининг Бишкек ва Пекин сафарлари, Самарқанддаги йирик халқаро тадбирдаги қатнашуви, Тошкентда қурилши ва ободончилик ишлари билан танишиш, "Яшил макон" лойиҳасининг галдаги мавсумини бошлаб бериш билан боғлиқлиги, айниқса, шухрати "энг кўп пахта бериши" билан ўлчаб келинган Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида пахта йиғим-терими мавзуси тилга олиниши у ёкда турсин, ҳатто эсланмагани кўзда тутилса, миллатимиз турмуш-турмушидаги чиндан ҳам кескин сифат ўзгаришларнинг аҳамияти янада ойдинлашади, албатта.

Янги Ўзбекистон бошқа кўпчилик қатори узоқ йиллар чет элга чиқишдан мусово бўлиб келган камнама учун ҳам ўзга юртларга бориш, ҳамкасблар билан учрашиш, дунёни куриш бахтини берди, десак ошириб юбормаган бўламиз. Кейинги йилларда жаҳоннинг қатор илмий, таълим ва маданият муассасалари билан изчил ҳамкорлик ўрнатаётган институтимиз олдида турган вазифалардан бири хорижий давлатларда сақланаётган, халқимиз ўтмишига оид бирламчи манбаларни топиш, ўрганиш ва илмий муомалага киритишдан иборатдир. Бу ҳақида сўз кетганда, одатда Эрон, Туркия, Хиндустон, Покистон, Афғонистон, араб давлатлари, Буюк Британия, Франциянинг бу борадаги имконлари кўз ўнгимизга келишига ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, Хитой, Мўғулистон, Япония, Испания, Италияда ҳам бизга тегишли манбалар борлигига ҳеч қачон шубҳа бўлган эмас. Бироқ у ерларга етиб бориш ушшамас оруз бўлиб қолаверган.

Испания ташқи ишлар вазирлиги қосида Осидиё тадқиқ этиш ташкилоти (Сага Asia) ва Кадиз университети томонидан шу йилнинг 22 сентябрида уюштирилган 11-Осидеё тадқиқоти учрашувига таклифга кўра, Руи Гонсалес Клавихо юртига отландик. Бугун ҳеч қандай саволу хайронлик туғдирмайдиган, оддийлик касб этиб улгурган ушбу ҳолат баҳона кечажу кунимиз ҳақиқатларидан бирига тўхталмасдан ўтолмаймиз.

Пахта азиз, олим уқитувчи хор бўлган ўтмиш давлар ва давримизни эндиликда биров ёдга олса олади, бўлмаса, йўқ. Билиб-билмасдан, масала моҳиятини тушуниб-тушунмасдан илмий фаолиятнинг "грант" тизимида "ўтказиб" қўйишнинг аянчли оқибатларига халигача баҳо берганимиз йўқ. Иккитагина мисол билан чекланамиз. Битта "грант" доирасидаги битта иш ўрнига бир неча киши илмини олиб, кун куриша мажбур бўлгани энди чўпнақдек туюлади. Бироқ ўша кезлари олимнинг 0,15 улушида ишлашдек шармандачилик ҳеч қандай ажаблантирган эмас. Бўлмаса "прописка" ололмаган, ижтимоий хизматлардан фойдаланолмаган, боласини боғча ёки мактабга беролмаган, шифокорга кўрсатолмаган.

Чет элларга илмий сафарларни айтмас ҳам бўлади. Ташқаридан келган таклифларнинг қанчаси "юқори ва тегишли ташкилотлар"дан ўтмагани боис, хорижга чиқиш ҳар қимга ҳам насиб этмаётганлиги ютук саналарди. Бу борада омади чопанларнинг кўпчилиги эса таклиф этувчининг "қўли"га қараб қолганини ҳам, бунинг оқибатларини ҳам яширмаганимиз керак. Пулини тўлагандан кейин ашуласини

ҳам айтилади-да. Мустамлака босқичи-мизда "марказ"га сажда қилган бўлсак, энди четдан ким сийлаб қақирса, ўшани дуо қилишга ўтганимиз, мазкур аянчли аҳволимиз асоратларининг салбий таъсири бугун ҳам жиддийлигини тан олишимиз керак...

Шу маънода, янги Ўзбекистонга хос бўлган сифатлардан бири ҳам олимларимизнинг кадр-қиммати юксалтирилиб, илм аҳлининг фақат ижод билан машғул бўлиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилгани билан боғлиқлигини баралла айтишдан ҳеч қачон чарчамаслигимиз керак! Айнан сўнги йилларда олимларимиз даромади уч марта ва кескин оширилди. Бугун институтимизда бир иш ўрнининг 0,5 улушида ишлаётган магистрларнинг бир йиллик соф даромади магистратура тўловининг икки йиллигини қоплашга етиб, қолганина шу кунларда Истанбулга бир ҳафталик саёҳатга бориб келса бўладиган даражада эканини барча билиши ва қадрлаши керак!

Илмий салоҳияти юқори, яратиб берилган имконлардан унумли фойдаланаётган, кўшимча лойиҳаларда қатнашиб, таълим тизимида тортилган ишчан ходимларимиз орасида долларда ҳисоблаганда, ойига минг, бир ярим минг, икки мингдан ортқ даромад топаётганлари ҳам борлиги яқин-яқингача тушга ҳам кирган эмас. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ажратилаётган турли манбалар, институтимиз ҳисобидан чет элларда малака ошириш, кутубхона ва архивларда ишлаш, илмий йиғинларда қатнашиш имконига эга ходимларимиз сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ҳомийларимиз кўлашлари билан ўзимиз лозим топган хорижий олимларни юртимизга чорлаб, келиб-кетмоғи, турмоқ-емиғини қоплашни ҳам эплаймиз.

Илмий муассасаларни моддий жиҳатдан хар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсати натижасида олимларимиз чет элликлар олдида тили қисқикликдан қутулганини қанча ургуласак, шунча оз. 11-Осидеё тадқиқотлари учрашуви ўтказилган Кадиз шаҳрига бориб-келиш ва шу баҳона Туркия, Испания ҳамда Италиянинг бир қатор шаҳарларида бўлиб, у ерлик ректорлар, олимлар, ушорилар, журналичлар билан шихсан учрашиш, уларда бор ва тарихимизни тўлақонли ёритишимиз учун зарур манбалар бўйича илмий ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, мутахассислар тайёрлаш, тарбиёт масалалари юзасидан бирламчи келишиш, архив ва музейлари билан танишишни ўз ичига олган ўн олти кунлик илмий сафар ҳаражатларини кўтаришга бугун институтимиз қодирлигининг ўзиёқ мамлакатимизда илм-фанга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин далилидир.

Сафаримиз давомида давлатимиз раҳбарининг, "бизнинг ота-боболаримиз ҳеч қимга эргашган эмаслар, балки эргаштирилганлар — биз эргашувчи эмас, эргаштирувчи халқимиз", сўзларини кўп марта эслашга тўғри келганини ҳам угуллаган бўлардик.

Ҳар шундаки, биз Пиреней дея ўрганиб қолганимиз, аслида эса Иберика (Iberica) аталмиш яриморолани Андалус ўлароқ таниқлиш ва бутун бошли жанаубий бўлаги 711-1492 йиллари, яъни салкам саккиз юз йил мусулмон сулоналар бошқарувида бўлган ва, демак, Шарқ, айниқса, Биринчи ва Иккинчи Уйғониш даврлари илмий-маданий ютуқларини тўла ўзлаштиришга эришган. Бу борада Тўледу (Toledo) тилмочлик мактаби алоҳида ўрин тутганини мутахассислар яқши билади. Атамасининг келиб чиқиши арабчада булоқ, ирмоқни билдирувчи "мажра" (مجرى) сўзи билан ҳам боғланадиган Мадриднинг жанауби-ғарбида ўрнашган Тўледу вилояти ва шаҳри ҳам мусулмонлар қўл остида эди. 1085 йили уни эгаллаган испанлар ушбу ҳудудда сақланаётган, араб тилида битилган юз минглаб кўләма китобларнинг соҳибига ҳам айланган. Улар орасида ўзбекнинг улуғлари — Мухаммад Хоразмий, Аҳмад Фароний, Абу Наср Форобий, Ибн Синонинг ҳам шох асарлари бўлгани жуда яқши маълум. Уларига бутунлай нотаниш саналган, математика, астрономия, тиббиёт, фалсафага оид бундай бебаҳо меросга дуч келган европаларига уларни лотин ва эски испан тилларига ўгиришни бошлаб юборган. Шу тариқа,



у ердан Европага ўнлик саноқ тизими, алгебра, алгоритм, осмон жиғимлари, тиббиёт ва фалсафа бўйича энг илгор кашфиётлар, таълимотлар, назариялар, қўлланмалар тарқала бошлаган, кейинги беш-олти юз йил ичида қитъа университетларининг минглаб ёшлари айнан бизнинг улуғ боболаримизга эргашиб, пишиб, ўз мамлакатлари илм-фан пойдеворини яратиб борган.

Андалус ўлкасининг тезгина ва катта қўлашда кўзга ташланадиган яна бир жиҳати унинг ҳам тарихий, ҳам замонавий меъморчилигига Шарқнинг ўта кучли таъсири бўлгани ва бугун ҳам борлиги билан боғлиқ. Бутун дунёдан келган ва маҳаллий сайёҳларни ўзига тортадиган энг асосий ёдгорликлар айнан мусулмон ҳукмдорларининг қўрғонлари, саройлари, боғлари ҳамда масжидларидир. Энг эътиборлиси, уларнинг безакларида Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон тарихий ёдгорликларига хос хандасавий ва исломий нақшлар, бўёқлар, устачилик ишлари чексиз учрайди. Шунинг учун ҳам бўлса керак, уларни қизиқиш билан томоша қилдик, аниқроғи, ўргандик, бироқ хайратга тушганимиз йўқ.

Барселона, Рим, Милан ҳам озғимиз-ни очириб, сўлагимизни оқизолмади,

Авалло, ҳар қимнинг ўз юрти, тарихи, маданияти, дини — борлиғию мероси ўзига азиз! Туркия, Испания, Италия халқлари ҳам бундан мустасно эмас. Уларнинг аждодлари, чиндан ҳам, кўз-кўз қилса арзигулик тарихий-маданий бисот қолдирган. Ушбу бой ва ранг-баранг бисот кўз қорачиғидек асраб-авайланаётганини ҳам кўрдик. Энг асосийси, улар уни ўта юксак, хар томонлама пишилтирган маҳорат ва пардоз билан бутун дунёга кўрсата олмади! Уларнинг биздан бирдан-бир устунлиги ҳам мана шундайлигига гувоҳ бўлдик.

Масалан, Рим салтанати асосчиси Октавиан Август (милоддан олдинги 63 — милодий 14 йиллар) яшаган, сувоклари тўқилиб кетган, айримларидагина жиндеккина рангли нималардир сақлаиб қолган, атайин ярим қоронғулик тусини бериш орқали салобати буртирилган, турли тўсиқларю тақиқли ёзувлари борлиги билан одамдаги қизиқини кучайтирадиган бир неча хонани қўриш учун яхшигина ақча тўлашга тўғри келди.

Шу ўринда, ҳақли савол туғилади: Туркия, Испания, Италияда шахсан кўр-

далил тарбиёт ишларида ўта қўл келишига шубҳа қилмаймиз. Агар ҳозирда буддага сиғинадиганлар бутун дунёда камиди 500 миллион кишини ташкил этиб, уларнинг кўпчилиги зикр этилган минтақаларда яшайдиган ташқари, Шимолий Америкада 4 миллионга, Европада 2 миллионга яқин буддавийчилар борлиги кўзда тутилса, юқорида ургу берилган йўналишнинг аҳамиятию қиммати янада ойдинлашади.

Шу муносабат билан бир гапнинг хонаси келиб қолди. Коронавирус тарқалишидан олдин ташқи сайёҳликдан камиди 130 миллиард даромад топган Хитойда археология соҳаси иқтисодиёт учун жуда катта фойда келтиради. Археологлар қўлга киритган ҳар бир ютуқ ҳақида бутун дунёга жар солиш орқали миллионлаб чет элликларни қорлаш, ёдгорликлар атрофида хизмат кўрсатиш тизимини яратишда хитойликларга тан бериш керак. Дунёга машҳур "Ҳайкалчалар қўшини" ёдгорлигининг ўзига хар илли 5 миллион сайёҳ келиб-кетди.

Кекса Турон — Туркистон юраги бўлмиш юртимиз тупроқлари остида беш минга яқин археология ёдгорлиги бор. Бироқ уларнинг жуда озчилиги ўрганилган, холос. Агар биз бу борадаги излашниларни мақсадга мувофиқ йўлга қўя олсак, натижаларимиз бошқаларникидан кам бўлмаслиги аниқ. Бундай ишонч билдиришимизга барча асослар етарли.

Йиғилишда сайёҳликни ривожлантиришда 3000 йиллик тарихга эга миллий давлатчилигимиз, бой маданиятимиз имконларини тўлиқ ишга солишга алоҳида ургу берилар экан, яқин йилларда "Шарқ тароналари"ни Ахсикентда ўтказиш режаси шунчаки билдирилмади, деб ўйлаймиз. Фарғона vodiysининг кўп асрлик маркази бўлиб келган, Буюк ипак йўлида жойлашган ушбу шаҳарни ўрганиш сўнги йиллардагина тизимли равишда йўлга қўйилгани, 2018 йили у ерда "Очиқ осмон остида музей" ташкил этилганидан яқши хабардоримиз. Шу билан бирга, бу ерда халқаро миқёсда тан олинган "Шарқ тароналари"ни ўтказиш гоёси ҳеч қимнинг фирмага келмаганини очиб айтишимиз керак. Демак, бу ишни ҳам қилсак бўлар экан! Қолаверса, халқаро тажриба ҳам йўқ эмас.

Тўғрилик қардошларимиз қадимги шаҳар — машҳур Эфес харобаларида сақланиб қолган театр майдонида бу йил Опера ва балет халқаро байрамининг еттинчисини ўтказди. Жаҳоннинг жуда кўпгаб юртлари каттаю кичигининг миллионлаб юракларини эгаллаган Френк Синатра, Стинг, Мерайя Кери, Шакира, Scorpions, Red Hot Chili Peppers учун Миср эҳромлари орасида қурилган сахна шунчаки бериб қўйилган эмас, албатта. Бу каби тадбирлардан муддао ойдек равшан: шу йўл билан мамлакатга одам қақрадилар — сайёҳларни қорлайдилар. Шу маънода, Мисрнинг 2022 йилги экспортида пахта толаси 607 миллион доллар ва кийим-кечак 2,1 миллиард долларни ташкил этгани ҳолда, Сувоён канал 7,9 миллиард доллар, сайёҳлик эса 13 миллиард доллар даромад келтиргани бир сидра таҳлилланса, одамларимиз турмуши, миллатимиз юксалишининг моддий неғизи — миллий иқтисодиётимиз табиатини тубдан ўзгартиришга қаратилган давлат сиёсати мағзини қақсак бўлади.

Демак, йиғилишда сайёҳлик ва пахтачиликдан топиладиган миллий даромад солиштирилиб, чуқур таҳлил этилиб, айниқса, сайёҳликдан яқин йилларнинг ўзида 3-4 миллиард доллар топишимиз мумкинлиги, бунинг учун дунёдаги кескин рақобат шароитида ҳар бир сайёҳ учун курашимиз кераклиги ҳақида бежизга айтилгани йўқ.

Қонунчилик палатасининг сайёҳлик масалалари билан ҳам шугулланадиган қўмитасида кечган ўн беш йиллик фаолиятимизда бир рақам йилдан-йилга кўчиб ўтаверарди — юртимизга чет элликлар оқимини 1 миллионга етказиш. Газ, сув, чироқ, йўл, мехмонхона, ошхона, совға-салом тайёрлайдиган ишлаб чиқариш бўлмаса, энг асосийси, давлатга кириш эшиклари тақа-тақ ёпиқ бўлса,

Энг яқин миқозларимиз — қўшниларимиз билан юз кўрмас бўлсак, иш юришган ишбилармоннинг мулк ҳам, чўнтағидаги пули ҳам қоқиб олинса, мазкур маррага етишиш мумкинми, деган саволни берадиган марднинг ўзи топиламасди. Барака топгурлар, озгина енгиллик бериб, шароит яратайлик, сайёҳлик пахтадан неча марта кўп даромад беради, деган одам "сиёсат"га қарши чиққан билан тенг бўларди...


2016 йили пахта толаси ҳамда ундан ишланган тайёр маҳсулотларни сотишдан 916 миллион доллар топилгани ҳолда, 2022 йили тўқимачилик маҳсулотлари экспорти 3,2 миллиард долларга тенг бўлганининг аҳамиятини одамларимизга кўпроқ тушунтиришимиз керак. **Пахта толасини экспорт қилишни тўхтатиб, уни импорт қилувчи давлатга айланганимизнинг тарихий қиммати эса ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмаслиги ҳақида қанча бонг урсак, шунча камлик қилади.**

2016 йилга келиб, яъни йигирма беш йил деганда, чет эллик сайёҳларнинг сонини аранг 1,3 миллионга етказолдик. Ушунда 3 та давлат фуқароларига Ўзбекистонга визасиз кира олган. 2023 йили хориждан 7 миллион сайёҳ келишига эришилмоқда. 2024 йилги мўлжал — 10 миллионлик кўрсаткич бундан ўн ил бурун ақлга сиғмаслиги турган гап эди. Бугун салкам 100 та давлат фуқаролари юртимизга визасиз келиш имконига эга. 2023 йилнинг 9 ойида сайёҳликдан олинган даромад 1 миллиард 720 миллион долларни ташкил этмоқда.

2030 йилга бориб, чет эллик сайёҳлар сонини 15 миллион, ички сайёҳлик оқимини эса 25 миллионга етказиш режасини бемалол бажарса бўлишига эса энди ҳеч қандай шубҳа йўқлигига ишонамиз. Биргина ўзимиз эмас, халқаро майдонда сайёҳлик мураббийларини ишлашгадиганлар ҳам бунга инонмоқда. Бўлмаса, бутун дунё сайёҳчилигининг бош-қошида турган Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош ассамблеяси ўзининг 25-йиғилишини Ўзбекистонда ўтказмасди, 100 дан ошқ давлатдан асосан, вазирлар ва ўринбосарлари, 120 дан ортқ хорижий сармадорлар ва 600 та миллий ширкатларимиз Самарқандга ошқимасди.

Сўнги йилларда миллий сайёҳлик бозоримизга Radisson, Wyndham, Hilton, Hyatt, Regency, Ramada, Movenpick, Mercure, Courtyard by Marriott, Minyoun, InterContinental Hotels Group ва Accor сингари оламга машҳур, "қўй сўйиб қақирсан" келмайдиган халқаро казо-казолар росмана кириб келаятгани ҳам бежиз эмас. Ҳар бир сентинг қадрини биладиган, ўз манфаати учун тегишли сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий шароитни кўрмаса, энг муҳими, сармога киритадиган юрда тинчлик-хотиржамлик муҳити кафолатланганига ишонмаса, бир қадам ҳам қўймайдиган бу каби ишбилармон ширкатлар янги Ўзбекистоннинг ипидан ингашигадиган ўрганиш ва ўрганаётгани, шубҳасиздир. Бошқача айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришлар, ҳар соҳада эришилаётган ютуқлардан, инқилобий ўзгаришлар ортага қайтмаслигидан улар жуда яқши хабардор. Шунинг учун ҳам, улар ўзбеклар ўлкасига интиломоқда.

Йиғилишда пахта мавзуси бутунлай кўтарилмади, дейлмаймиз. Кўтарилди. Тадбирга "Indorama Corporation" компанияси асосчиси ва раиси Шри Пракаш Лофия билан музокаралардан кейин кириб келган Президентимиз сингапурилик ушбу йирик ишбилармон билан гектарига 70 центнер ҳосил берадиган пахта навларини яратиш ҳақида ҳам келишиб олинганини таъкидлади. 2016 йили ўртача ҳосилдорлик 26,1 центнерга етгани ва мазкур "марра"га ҳосилдорлиги юқори саналган, Американин "Sea Island" пахта нави Туркистонга олиб келиб экила бошлаганидан 150 йил ўтиб эришилгани, бу йил эса, яъни қандайдир етти йилда ўртача ҳосилдорлик 40 центнерга етказилаётгани кўзда тутилса, **"вақтни — имкониятга, имкониятни — ютуққа, ютуқни тараққийлтой пойдеворига айлантира оладиган халқ — буюк халқдир"** тенгламаси ўз натижаларини бераётгани аёнлашади-қолади.



БУЮК ТАРИХИМИЗ, ТЕНГСИЗ МАДАНИЯТИМИЗ, ОЛАМШУМУЛ КАШФИЁТЛАРИМИЗ БЎЛА ТУРИБ, УЛАРНИ БУТУН ОЛАМГА ТўЛАҚОНЛИ КўРСАТА ОЛМАётганимиз бор гап! ШУ МАЪНОДА, СўЗ КЕТАётган ТАДБИРДА СУРХОНДАРёДАГИ БУДДАВИЙЛИК ёДГОРЛИКЛАРИГА ШАРҚИЙ ВА ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ АХЛИНИ ЖАЛБ ЕТИШ МАСАЛАСИ КўНДАЛАНГ ҚўЙИЛганини ҲАР жиҳатдан ҚўЛЛАЙМИЗ. НЕГАКИ, БИРИНЧИДАН, БУДДАВИЙЛИК СУРХОҲ ВОҲАСИГА МАЗКур ДИН АСОСЧИСИ БУДДА (МИЛОДдан ОЛДИНГИ 563-483) ДАВРИДАёқ КИРИБ КЕЛгани ВА ИЛК ИБОДАТХОНА ҲАМ ўША КЕЗЛАРИ ҚУРИЛгани МАЪЛУМ.

дея оламиз. Колизей, Рим харобалари, Саграда Фамилия, Дуёмў тарихий черковлари, кўприклар ҳам лол қолдирилмади. Негаки, қанчалар маҳобатли бўлмасин, уларда бизнинг тарихий ёдгорлиги мажмуаларимиздагидек гўзаллик ва дид, маҳорат ва уйғунлики кўрмадик. Шунда ўтган йили Истанбулдаги Тўлқопи саройига кириб бораётганимизда туркиялик бир ҳамкасбимизнинг бу ер барибери Самарқанд, Бухоро, Хива ва Кешдаги ёдгорликларга тенг келолмайди, дегани камининг кўнгли учунгина бўлмагани эсладик. Бироқ бир нарсга тан бердик.



ИСТЕЪМОЛ НАРХЛАРИ ИНДЕКСИ

нега инфляцияни ҳисоблашнинг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади?



Мухтор УМАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Статистика агентлиги
бошқарма бошлиғи

Мамлакатимизда инфляциянинг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланган истеъмол нархлари индексини шакллантириш ана шундай йўналишлар сирасига киради. Бунда илгор хорижий тажрибаларни ўрганиш, энг янги таснифлагишлар ва замонавий технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, охириги 7 йилликда илгор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, халқаро экспертларнинг кўмаги ва тавсиялари асосида истеъмол нархлари индекси кузатувларини ташкил этиш ва ҳисоб-китобларини амалга ошириш бўйича услубий низоми янгиланди.

Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 4 апрелдаги “Давлат бошқаруvinинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, нархлар статистикаси бўйича эълон қилинадиган тахлилий маълумотлар таркиби кенгайтирилди. Истеъмол нархлари индекси ҳисоб-китобларидан фойдаланиладиган товар ва хизматларнинг салмок вазнлари кўрсаткичлари илк бора Статистика агентлиги расмий веб-сайтнинг “Очиқ маълумотлар” саҳифасида ҳамда “Open data” очиқ маълумотлар порталида эълон қилина бошланди.

Шу йили истеъмол нархлари индекси кузатувларини ташкил этиш ва ҳисоб-китобларини амалга ошириш бўйича услубий низомига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. 2020 йилдан истеъмол нархлари индекси кузатувларининг товарлар ва хизматлар рўйхати 510 тага кенгайтирилди ҳамда тўлиқ жаҳон стандартларига мос келадиган товар ва хизмат (тариф) ларнинг нархларини ҳисоблашда ўртача геометрик услуб жорий этилди.

Президентимизнинг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган 2020-2025 йилларда мамлакатимиз статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегияси ҳамда уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йилдан бошлаб Статистика агентлиги БИДҲга аъзо давлатлар орасида биринчилардан бўлиб, истеъмол нархлари индекси кузатувларига Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) томонидан тавсия этилган “Мақсадлар бўйича шахсий истеъмол таснифлагичи — 2018” талабларини жорий қилди. Бу, ўз навбатида, нархлар кузатиладиган товарлар ва хизматлар таснифлагичини халқаро стандартларга тўлиқ мувофиқлаштириш имконини берди.

Натижада истеъмол нархлари индекси кузатувларини ташкил этиш ва ҳисоб-китобларини амалга ошириш бўйича услубий янада такомиллаштирилиб, 2021 йилда истеъмол нархларини кузатиш ва унинг индексини ҳисоблаш учун танлаб олинган 510 та товар ва хизматлар 13 та йирик бўлимга гуруҳланди. Мазкур гуруҳлаш мамлакатимиз кўрсаткичларини таркибий жиҳатдан дунёнинг ривожланган давлатлари мос кўрсаткичлари билан солиштириш имконини яратди.

“ БУГУНГИ КУНДА ИЧКИ ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИДАГИ НАРХЛАР СТАТИСТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ИЛГОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРНИ ВА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ КЕНГ ТАТБИҚ ЭТИШГА ҲАМ АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИБ КЕЛИНАПТИ. НАТИЖАДА ИНФЛЯЦИЯНИ ҲИСОБЛАШ ЖАРАЁНИ АВТОМАТЛАШТИРИЛДИ, СТАТИСТИК МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ҲОЛИСЛИГИ ВА ЮҚОРИ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШГА ЭРИШИЛДИ.

Шунингдек, ХВЖ техник кўмак миссияси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда қўлланиладиган истеъмол нархлари кузатувларини ўтказиш амалиёти ва инфляцияни ҳисоблаш методологияси батафсил кўриб чиқилди. Таъкидлаш жоизки, миссия ағуни бўйича халқаро молиявий муассаса экспертлари томонидан мамлакатимизда истеъмол нархлари кузатувларини ташкил этиш борасида олиб борилаётган амалий ва услубий ишларга юқори баҳо берилди.

Маълумки, инфляция кўрсаткичи мамлакатдаги макроекономик барқарорлигини

ифодаловчи муҳим иқтисодий кўрсаткичлардан бири бўлиб, ички истеъмол бозорида товар ва хизматлар нархлари умумий даражасининг ўзгаришини ўзда акс эттиради.

Истеъмол нархлари индекси (ИНИ) — уй-ҳўжалиқлари талабидан келиб чиқиб, маълум бир товар ва хизматлар умумий нархларининг ўртача ўзгариш даражасини ифода этади. Ушбу умумий кўрсаткич истеъмол саватидаги ҳар бир товар



Бугунги кунда ички истеъмол бозоридаги нархлар статистикасини такомиллаштириш, илгор хорижий тажрибаларни ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этишга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинапти. Натижада инфляцияни ҳисоблаш жараёни автоматлаштирилди, статистик маълумотларнинг ҳолислиги ва юқори сифатини таъминлашга эришилди.

Жорий йил август-сентябрь ойларида Австрияда Бирлашган Вена институти томонидан ташкил этилган ўқув курсида Статистика агентлиги масъул ходимлари иштирок этди. Бирлашган Вена институти (БВИ) Марказий, Шарқий ва Жануби-Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиё давлатларининг давлат бошқаруви идоралари вакиллариини ўқитиш, малакасини ошириш бўйича минтақавий ўқув маркази бўлиб, 1992 йилда Австрия давлат ташкилотлари (Федерал Молия вазирлиги ва Австрия Марказий банки), Халқаро валюта жамғармаси каби қатор халқаро ташкилотлар томонидан ташкил этилган.

Ўқув курслари макроекономик сифатини ишлаб чиқиш ва уни бошқариш,

90 тасини хизматлар ташкил қилади. Бунда нарх кузатувлари 10 мингдан ортиқ савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш объектиларида ўтказилади.

Дунё мамлакатларининг аксариятида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам инфляция даражаси “истеъмол саватчаси” деб номланган, ўртача одам ёки оила доимий равишда сотиб оладиган маҳсулотлар, товарлар ва хизматлар тўпламига нисбатан аниқланади. У қимматбаҳо товарлар билан эмас, балки бирламчи кундалик маҳсулотлар, масалан, турли хизматлар, нон, сабзавот, ўсимлик ёғи, туҳум, гўшт, гуруч каби озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлар билан ўлчанади. Ушбу шартли сават нархи ойма-ой ўзгариб туради. Бундай ўзгариш кўрсаткичига қараб инфляциянинг даражаси аниқлаб борилади.

2022 йилда юртимизда инфляция даражаси 12,3 фоизни ташкил этди. Барча иқтисодий механизмларни қўллаб, жорий йилда бу кўрсаткични 10 фоиздан пастга тушириш мақсад қилинган.

пул-кредит сиемати ва валюта курси тизимлари, молия сектори, қарз барқарорлиги, солиқ сиемати ва унинг маъмурияти, харажатларни йўналтириш, физикал институтлар, қонунчилик базалари, макроекономик ва молиявий статистика ва бошқа махсус мавзулар бўйича ташкил этилади. БВИ ташкил этилган даврдан ҳозирга қадар унда 40 мингдан ортиқ тингловчи таҳсил олган.

Мазкур ўқув курсида мамлакатимиз вакилларида ташқари Австрия, Арманистон, Албания, Босния ва Герцеговина, Грузия, Молдова, Қозғистон, Қирғизистон, Туркия, Тожикистон, Озарбайжон ва Украина давлатларининг статистика идоралари вакиллари ҳам иштирок этди.

Ўқув ўз ичига индекс назариялари ва концептуал қарашлардан тортиб, кузатувлар, турли хил маълумотлар манбалари билан ишлаш ҳамда ҳисоб-китоблар жараёнида юзга келадиган масалаларни ечишга қаратилган амалий машғулотларни жамлаган ҳолда ўтказилди.

Маълумки, мамлакатдаги жорий иқтисодий ҳолатни ифодаловчи асосий кўрсаткичлар орасида нархлар статистикаси маълумотлари, энг аввало, истеъмол нархлари индекси кўрсаткичи алоҳида аҳамиятга эга. Ундан қўллаб мақсадларда фойдаланилиб, истеъмол бозоридаги инфляция даражасини аниқлаш энг кенг тарқалгандир.

Инфляция даражаси бир қанча омиллар таъсирида шаклланади. Шу нуқтаи назардан, ўқув давомида маърузачилар томонидан утилган ҳар бир мавзу давлат амалиётида кузатилаётган аниқ ҳолатлар, уларнинг ечимларини мисол келтирган ҳолда олиб борилди. Жумладан, юқори инфляция кўрсаткичлари кузатилаётган Туркия мисолида нархларда юқори волатиллик кузатилаётган товар ва хизматлар бўйича нархларни қайд этиш жараёнида шартли ҳисоб-китоблар услубидан фойдаланиш амалиёти кўрсатиб берилди.

Замонавий рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятининг тобора кенгайиб бориши, истеъмол нархлари индексини шакллантириш жараёнига рақамли технологияларнинг жорий этилиши барча давлатлар статистика идоралари учун катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу Big data ҳамда сканер ахборотлар ва web-scraping технологияларидан фойдаланишни ўз ичига олади.

Big data — катта ҳажмдаги тизимлаштирилган ёки тизимлаштирилмаган маълумотлар массиви саналади. Улар статистика, таҳлил, прогноз қилиш ва қарор қабул қилишда фойдаланиш учун махсус автоматлаштирилган инструментлар ёрдамида қайта ишланади.

Web scraping бу веб-маълумотларни веб-ресурс саҳифаларидан ажратиш ёрдамида олиш технологиясидир.

Нархлар тўғрисидаги сканер ахборотлар — махсус технологияларни қўлланган ҳолда назорат-касса аппаратларидан олинган маълумотлардан иборат бўлади. Уларни тўплаш жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий қилишнининг устунилиги — вақт ва инсон ресурсларини тежаш, “инсон омили” таъсирини минималлаштириш, савдо

ва хизмат кўрсатиш объектлари танланмасининг самарадорлигини ошириш ҳисобланиб, мазкур усулларнинг жорий этилиши шакллантирилаётган маълумотларнинг сифатини янада оширишга хизмат қилади.

Статистика агентлиги томонидан бугунги кунда нарх тўғрисидаги маълумотларни тўплаш бўйича “web scraping” технологияси қўлланилган. Бу қўллаб товарлар нархи тўғрисидаги долзарб маълумотларни реал вақт режимида олиш ва ушбу маълумотларни истеъмол нархлари индекси ҳисоб-китобларидан фойдаланиш имконини бермоқда. Шунингдек, агентлик идоравий маълумотлар базалари билан интеграцияни йўлга қўйиш орқали сканер ахборотларидан фойдаланиш технологиясини жорий этиш бўйича иш олиб бормоқда. Бу каби йўналишларда ҳам хориж тажрибасини яхши билиш жуда асқатади.

Шубҳасиз, бутун дунёда кузатилаётган глобаллашув жараёни барча миллий иқтисодийлар олдига ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини сақлаб қолиш, янги ўсиш нуқталарини аниқлаш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг янги босқичига олиб чиқишда ҳар томонлама чуқур, пухта таҳлиллар асосида қарорлар қабул қилиш вазифасини қўймоқда. Айнан шу нуқтаи назардан, ижтимоий-иқтисодий ҳолат тўғрисида долзарб, ишончли ва тезкор статистика маълумотларини етказиб бериш муҳим ўрин тутлади.

Бу маълумотлар хорижий тажрибада ҳам фойдаланувчиларнинг кенг қатламлари учун тушунарли тилда, умумийдан хусусийга қараб, яъни йўлға кўрсаткич ўзгаришидан энг пастки даража, алоҳида товар ва хизматларнинг нарх ўзгаришларини ёритишга йўналтирилган бўлса, шунча фойдали ҳисобланади. Уларда нарх индекси ўзгаришига таъсир қилган омиллар келтирилиши, ҳар қандай ўзгаришлар юзасидан изоҳлар мавжудлиги ахборотнинг фойдаланувчилар учун қизиқарили ва мазмунли бўлишини таъминлайди.

Қайд этиш жоиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги томонидан истеъмол секторидagi инфляция даражаси тўғрисида эълон қилиб бориладиган пресс-релиз мазмунан ва таркибий тўлиқлиги ва кенглиги жиҳатидан халқаро тавсияларга тўлиқ мос келади.

Умуман олганда, халқаро иқтисодий-молиявий ва статистика институтилари томонидан ташкил этилаётган муҳим тадбирларда мамлакатимиз вакиллариининг иштирок этиши ва илгор хорижий тажрибаларни ўрганиши соҳани ривожлантиришга қаратилган устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Зеро, мамлакатимизда инфляция жараёнини статистик таҳлил этишда истеъмол нархлари индексини шакллантириш амалиётини ўрта ва узоқ мuddатли истиқболда такомиллаштириш бўйича ривожланган мамлакатларнинг илгор технологияларини ўрганиш ва татбиқ этиш борасида асосий йўналишлар белгилаб олинган, муҳим услубий ёндашувларни амалиётга жорий этиш бўйича муайян амалий тажриба тўпланган. Эндликда бу ишлар изчил давом эттириши ва мунтазам такомиллаштириш бориши тақозо этади.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Қадим замонларда бир подшоҳ аскарлари билан сафар чоғида катта дарёни кечиб ўтишга тўғри келибди. Кечув пайти аскарлардан бири дарё тубида катта олмос борлиги, қирраларидан жило таралаётганини айтибди. Қимматбаҳо тошни олиш илминда аскарлар қанча уринмасин, дарё тубига ўзини ташламасин, харакатлари зое кетаркан. Шунда шох қишлоқ кексаларидан маслаҳат сўраб, чопар жўнатибди. Донолардан бири воқеа тафсилотини бамайлихотир тинглаб, узоқ ўйлаб, олмосни дарё тубидан эмас, қирғоқ бўйида ўсган дараклардан қидиришни маслаҳат берибди.



Бундай муқаддимамиздан мақсад пире бадавлат, файзу қаромати сероб, қалби эзгуликка тўла тадбиркор, қомил устоз, меҳнат фахрийси, давлатимиз мустақиллигининг 32 йиллиги арафасида “Шухрат” медали билан тақдирланган, Форш туманидаги “Rustex Invest Products” МЧЖ маслаҳатчиси Турғун Кўчқуновнинг суратига муносиб чизилар чизиш эди.

Турғун бобо Форшнинг Баланд осмон қишлоғида дунёга келди. Бу қишлоқ осмонлар тоғлари, ёнғоқзор, узумзор боғлари, доривор гилхлари, зипол чашмалари, меҳмондўст, меҳнатқаш, диди балинд инсонлари билан маълуму машур. Ана шу муҳит унинг феълли,

дунёқарашини, интилишларига ҳамоҳанг бўлиб ўлгайди. Турғун Кўчқунов Самарқанд кооператив олийгоҳини битириб, савдо соҳасида оддий ҳисобчиликдан “Жиззахсавдо” концерни бошқаруви раислигигача бўлган йўлни босиб ўтди. Мустақиллик шарофати билан ташқи савдо, Россиянинг Ярославль, Иваново шаҳарларига бориб, муайян мuddат истикомат қилиш баробарида иқтисодий ҳамкорлигини йўлга қўйишда жонбозлик кўрсатди. Натижада Форшнинг Россияга экспорт қилинадиган маҳсулотлар ҳажми ошди, импорт сифатида халқ ҳўжалиғига зарурий маҳсулотлар олиб келинди. Савдо уйлари, қўшма корхоналар ташкил топди. Яйдоқ ерларда катта-катта боғзорлар пайдо бўлди. Аммо баридан ҳам тошни инсон манфаатларига хизмат қилдириш йўлидаги ташаббускорлиги Ватанимиз олдидаги жуда катта хизмати бўлди.

— Тамаддулар шаклланишида тош ҳам катта роль ўйнаган. Ундан дастлабки меҳнат қуроллари ясалган, ҳўйма ва ҳўжум воситаси сифатида фойдаланилган, — дейди Турғун Кўчқунов. — Инсоннинг ақлу заковати харсантошга ҳаёт бағишлаб, ундан эзгу мақсадларда фойдаланишга сабаб бўлди. Базаль тоши ҳам ана шундай қимматли хомашёдир, тоғ остидан топилган олмос кабирди. Хорижлик ҳамкорлар билан Форш тоғлари эстагида янги соаноат корхонаси бунёд этилди. Уни ишга тушириш учун қийинчилик ва тўсиқларини энгиб ўтишимизга

тўғри келди. Аммо қишлоқ аҳолисининг иш билан таъминлангани, соаноат қишлоққа яқинлашгани бу кунларни буткул унуттирди. Боиси, янги соахага орзу-хаваз билан келган қишлоқ ёшлари қишқа вақт ичида азирли натижаларга эриша бошладилар.

Президентимизнинг 2021 йилда заводга ташрифи кўтаринки қайфият бағишлади. Ҳозирги кунда “BASALT UZBEKISTAN” компаниялар гуруҳида мингдан ошқ маҳалли ва чет эллик ишчилар меҳнат қилади. Улар меҳмати билан етти турдаги қурилиш моллари

— шебень, ровинг, арматура, геосимтўр, фибра, қувур, минвата ишлаб чиқарилади. Жорий йилги экспорт ҳажми 10 миллиард сўмдан ошиб кетди. Айни вақтда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми ва турини кўпайтириш, сифатини янада яхшилаш борасида узоқ мuddатли чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Шарқ шоирлари устози деб эътироф этилган Абу Абдулло Рўдакий фахрия санъатидан фойдаланиб бундай ёзган эди: *Сен уевоҳ: шоирлар ичра мен моҳир, Сўзим тошни илак қилмоққа қодир.*



Қарангки, шоирнинг орзуси орадан ўн бир асрдан зиёд вақт ўтиб, реал ҳаётга кўчди. Яратганининг иродаси, тадбиркорларга яратилган шарт-шароит, хорижий ҳамкорлар сармояси, юртимизнинг азамат фарзандларини кўмағида Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб Форшда амалга ошди.

— Хосиятли, фидойи инсонларнинг ибратли ишлари ҳаммаша умумли ва баракали бўлади. Мен Турғун бободан одамийлик, бағрикенглик, пухтакорлик фазилатларини, тадбиркорлик кўникмаларини ўргандим, — дейди “BASALT UZBEKISTAN” компаниялар гуруҳи тижорат директори Темур Мадамминов.

— Юртимизнинг ҳар бири қарич ери олтинга тенг, — дейди Турғун Кўчқунов. — Яратган назари тушган мўқаддас Ватанимизда ер ости ва ер усти бойлиқлари сероб. Бугун турли соҳаларда мисли қурилмаган илпохотлар амалга оширилган. Энг муҳими, бу ишлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Илпохотларнинг илк самаралари халқимиз ҳаёти ва кундалик турмушида намоён бўлмоқда, аҳолининг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи ўсиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг “Халқимиз эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни қиришни истайди. Бизнинг меҳнатқаш, оққўнғил, бағрикенг халқимиз бунга тўла ҳаққидир”, деган сўзлари ижобат бўлмоқда. Мен бир оқсоқол, тадбиркор сифатида юртимиз келажакини обод, халқимиз турмушини фаровон бўлишини тасаввур қиламан.

Мухаммад АКАЖОНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уйшмаси аъзоси

ИСЛОХОТ ОДИМЛАРИ

ТАЪЛИМ

КРЕДИТИ



ёшлар учун катта имконият

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатдаги ОТМларга 2023/2024 ўқув йили учун қабул кўрсаткичи жами 190 минг 287 ўринни (17 минг 128 ўрин магистратура учун) ташкил этиб, ўтган ўқув йилига нисбатан 5,1 фоиз (магистратура бўйича 1,2 фоиз) ошган. Жорий йилда 8 та янги ОТМ очилди. Бу йигит-қизлар учун тўлов-шартнома асосида тахсил олиш имкониятини ҳам кенгайтирди. Аммо ҳаммининг ҳам тўлов-контракт асосида ўқишга имконияти етмайди. Хўш, шартнома асосида ўқишга кирган талабалар учун қулай ечим бўлган таълим кредити қандай тартибда берилмоқда?

Бугун 12 та тижорат банки тақдим этаётган бу имкониятдан барча олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида тахсил олаётган, шунингдек, қўшма таълим дастурлари бўйича (қўшма таълим дастурининг Ўзбекистон ҳудудидида таълим бериладиган йиллари учун) бакалавриятнинг кундузи, сиртки ва кечки таълим шаклида ҳамда магистратурада тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилган талабалар, ўқишнинг кўчирган юрдошларимиз фойдаланиши мумкин.

Шартлари қандай?

Илгари таълим кредити олиш учун тижорат банклари талаб қиладиган қоғозбозлик, узоқ кутуш, кредит фоизи юқорилиги, қисқа муддатда қайтариши каби шартлар бир қанча ноқулайликлар келтириб чиқараётган эди. Ёшларнинг таълим олишига янада кенг имконият яратиш, олий маълумот олаётган фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар билан жорий этилган тартиб ана шу муаммоларга муносиб ечим бўлди.

Таълим кредитининг асосий қарзи талабанинг расмий ўқиш муддати тугагандан сўнг еттинчи ойдан бошлаб 7 йил давомида қайтарилади. Мисол учун, 1-курсга қабул қилинган талаба 4 йил бакалаврият бўйича тахсил олади. Ўқишни битириб ишга жойлашиб, тўлов имкониятига эга бўлгандан сўнг 7 йил мобайнида кредитни қайтариши мумкин, — дейди Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги бўлим бошлиғи ўринбосари Қурбонназар Ортиқов. — Яна бир қулайлик шуки, имтиёзли таълим кредити Марказий банкнинг асосий ставкаси миқдоридида ажратилмоқда. Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, таълим кредити бўйича фоиз ставкаси ҳам муносиб равишда пасаяди. Марказий банкнинг асосий ставкаси оширилган тақдирда эса таълим кредити бўйича фоиз ставкаси ўзгартириш қолади. Асосийси, жисмоний шахсларнинг таълим кредитини қоплашга йўналтирилган солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларига солиқ имтиёзи қўлланади.

Бу, албатта, катта қулайлик. Сабаби, тўлов-шартнома асосида талабалikka тавсия этилган талабалар ўқиш давомида маблағ етишмовчилигидан қийналса, таълим кредитидан фойдаланиб, ўқишнинг давом эттириши мумкин. Таълим кредитини расмийлаштиригандан сўнг талаба ўқув йили давомида фақат

кредитнинг фоиз қисмини тўлайди. Кредитнинг асосий суммасини ўқишни битиргач, 7 йил мобайнида тўлайди. — 2021 йилдан бошланган бу жараёни ҳар йили тегишли ташкилотлар мониторинг қилиб бормоқда. Ушбу йилда қарийб 25 минг 300 талаба таълим кредитидан фойдаланган. Ушбу мақсадда 263,7 миллиард сўм сарфланган, — дейди Қурбонназар Ортиқов. — 2022 йилда 174 минг 641 талабага 1 триллион 718,4 миллиард сўм ажратилган. Шундан 1 триллион 250,5 миллиард сўми талаба аёл-қизларнинг ўқишига йўналтирилган. 2023 йилнинг 30 сентябрь ҳолатига кўра, 144 минг 10 талабанинг ўқиши учун 1 триллион 626,6 миллиард сўм тақдим этилган. Шундан 1 триллион 296,7 миллиард сўми ОТМларда ўқётган хотин-қизлар учун ажратилган.

Муддатидан олдин тўлаш мумкинми?

Қўшимча маблағи мавжуд бўлса, қарз олган шахс таълим кредитини муддатидан олдин сўндиришга ҳақли. Дейлик, талаба ўқишни битирди ва бирдан даромад манбаига эга бўлди. У 7 ой давомида кредитнинг фоизи билан бирга асосий қарзини ҳам сўндириб бериши мумкин. Шунда кредит бўйича умумий тўлов миқдори қарор бўлади.



Кимларга таълим кредити олиш мумкин эмас? Таълим кредити табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилган талабаларга тавсия этилмайди. Шунингдек, хорижда ўқётган талабалар ушбу имкониятдан фойдалана олмайди.

Қизлар таълимга эътибор

Вазирлар Маҳкамасининг "Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида хотин-қизларнинг тўлов-контракт асосида таълим олиши учун таълим кредитлари ажратиши тартибига солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб талаба қизларга фоизсиз таълим кредити ажратиш йўлга қўйилди. Бу қандай амалга оширилади? Марказий банкнинг асосий ставкаси фоизи Иқтисодиёт ва молия вазир-

лиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси маблағи ҳисобидан қўллаб борилади. Амалда талаба қизлар фоизсиз таълим кредитига эга бўлади. Бу таълим кредитини қўллаш масаласи ҳам худди амалдаги таълим кредити сингари бўлиб, ўқишнинг тўлиқ курсини тугатгандан кейин еттинчи ойдан бошлаб 7 йил мобайнида асосий қарз тўланади.

— Бўғчада ишлашни орзу қиламан. Анча йиллар шу бўйича ўқиб, олий маълумот олишга моддий имкониятим етмади. Бу йил Намангандаги Турон халқаро университетининг бошланғич таълим факультетида ўқишга кирганимда ҳам шартнома пулини тўлай олмаслигим туфайли ўқимасликка қарор қилдим. Аммо яқинларим хотин-қизлар таълими учун фоизсиз кредит ажратилаётгани ҳақида айтганида, кўнглимда умид уйғонди. Халқ банкининг Балиқчи тумани филиалига бордим. Банк ходимлари имтиёзлар ҳақида маълумот берди, ниҳоятда хурсанд бўлдим. Банк ўқишим учун 12 миллион сўм ажратди. Ниҳоят, талабалик бахтига ва ўзим севган соҳада таълим олиш имкониятига эга бўлдим, — дейди Андижон вилояти Балиқчи туманида яшовчи Ғўёхон Ҳошиматова.

Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Мухими, хотин-қизларнинг илми бўлишига қаратилган эътибор кўн келиб самарасини беради. Чунки бугунги талаба қиз эртага соҳасининг етук мутахассиси бўлиш билан бирга иқтидорли, салоҳиятли фарзандларни тарбиялайдиган она ҳамдир. Билимимиз

аёл етук мутахассис, заковатли она, жамиятда ўз ўрнига эга инсон сифатида юрт тараққиётига ҳисса қўшади.

— 2022 йилда қарийб 133,6 минг хотин-қизнинг ўқиши учун 1 триллион 250,5 миллиард сўм ажратилган бўлса, жорий йил 30 сентябрга қадар қарийб 116,4 минг аёл-қизга 1 триллион 296,7 миллиард сўм миқдоридида фоизсиз таълим кредити ажратилган, — дейди Иқтисодиёт ва молия вазирлиги департаменти бошлиғи Адҳам Өлшононов. — Бу ҳам опа-сингилларимиз ва қизларимизнинг келажагига давлат миқёсида берилётган юксак эътибордан далолат.

Қайси тоифадаги талабаларга имтиёз бор?

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга кўмак кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида қилинаётган хайрли ишлар туфайли

қўллаб эҳтиёжманд оилалар муаммоси барҳам топиб, ҳаётига фойз ва барака кираяптир. "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га кирган оилаларга мансуб хотин-қизларга ажратиладиган таълим кредити бўйича гаров ва кафилилик талаб этилмаслиги ҳам ана шу ғамхўрликнинг амалдаги намунаси. Шундай имкониятдан фойдаланган Фарангиз Ўтаева Ўзбекистон Миллий университетидида 1-курсда тахсил олади.

— Оддий оила фарзандиман. Онам ёлғиз ўзи бизни вояга етказиш учун тунни тонга улаб ишлади. Ўқишга кирганим оила аъзоларимни қанчалик қувонтирган бўлмасин, шартнома пулини тўлаш масаласи онаминг зиммасига катта масъулият бўлиб юклянди. Оила-мизнинг бунга имконияти етмасди. Журналист бўлиш ниятим озуғулигича қилиб кетиши мўқаррар бўлиб турган пайтда таълим кредити жонимизга ора кирди, — дейди Фарангиз. — Шартлари ҳам қулай, оиламиз "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га киргани босиб, таълим кредити бўйича гаров ва кафилилик талаб этилмаслиги мен учун катта имконият бўлди. Ўқишни битириб, бирор жойда иш бошласам, кредитни бемалол тўлашим мумкин. Ариза билан Халқ банкига мурожаат қилдик. Ишимиз жуда осон кўчди. Банк бир ҳафта ичида ўқиш пулининг 75 фоизини университет ҳисоб рақамига ўтказди. Қолган 25 фоизини ўзимиз тўладик.

Тўртга бўлиб тўлаш тартиби

— Илгари тўлов-контракт суммасини бир йилда икки марта — ўқув йили бошида, яъни 15 сентябргача 50 фоизини ва 1 мартдан қолган қисмини тўлаш мумкин эди, — дейди Қурбонназар Ортиқов. — Бу тартиб кўп ҳолларда маблағ вақтида келиб тўшмаслиги каби муаммоларга олиб келди. Айни пайтда контракт суммасини тўртга бўлиб тўлаш тартиби йўлга қўйилган. Шартномаларда тўлов муддати белгиланган. Тўртга бўлиб тўланади, дегани фақат белгиланган муддатда эмас, хоҳласа, ойма-ой тўлаш мумкин. Бу ҳам ота-оналарга яна бир қулайлик. Олий таълим муассасаларида тушуллар ҳолатини таҳлил қилганимизда, аксар ота-оналар контракт пулини иш ҳақи ҳисобидан ўтказиши маълум бўлган ва бу тўловларни ойма-ой тўлаб бериш имкониятини кенгайтиради.

Ёшлар ташкилотининг кўмаги

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги қарори билан тасдиқланган низомда 8 тоифадаги ёшларга профессионал ва олий таълим муассасасидаги ўқувчи-талабаларнинг тўлов-шартнома маблағининг 50 фоизигача, аммо БҲМнинг 50 баробаридан ошмаган қисми "Ёшлар дафтари" жамғармаси маблағи ҳисобидан қўллаб берилиши белгиланган. Булар оила боқувчиларининг камида биттаси биринчи гуруҳ ёки ҳар иккаласи иккинчи гуруҳ ноигронлиги бўлган кам таъминланган ёки "Темир дафтар"га киритилган оиланинг профессионал ёки ОТМда таълим олаётган фарзанди, "Аёллар дафтари", "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" рўйхатидаги йигит-қизлар, Мехрибонлик уй ёки Болалар шаҳарчаси тарбияланувчиси, ота-она қарамогидан маҳрум, васийликка олинган кам таъминланган, ноигронлиги ёки саломатлигида нуқсон бўлган, оиласи кам таъминланган ўқувчи-талабалардир. Ёшлар ишлари агентлиги марказий аппарати бошқарма бошлиғи Умидулло Сатторовнинг маълум қилишига кўра, жорий йилнинг 30 сентябрь ҳолатига кўра, 45 минг 38 ёшнинг ўқиши учун 140,6 миллиард сўм тўлаб берилди.

— "Ёшлар дафтари"га киритилганман, — дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси Юлдуз Ниёзқуллова. — Отам боғбонлик ва чорвачилик билан шуғулланади, онам уй бекаси. Оилада уч фарзандимиз. Синглим ҳам талаба. Кам таъминланган оила фарзанди бўлганим учун бир йиллик тўлов-шартнома пулининг 50 фоизи Ёшлар ишлари агентлиги томонидан тўлаб берилгани биз учун катта ердан бўлди. Йўқса, ота-онам жуда қийналиб қоларди...

Юрт иқтисодиёти барқарорлиги, барча соҳаларда ривожланган давлатлар билан рақобатлаша олиши ҳам меҳнат бозоридagi кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Бундай иқтидор эгалари юртимизнинг ҳар бир гўшасида топиллади. Уларнинг иқтидорини юзага чиқариш, кўмак ва рағбат бериш, илм олиш ҳуқуқини таъминлаш давлатимиз эътибори марказида. Ана шу олий мақсад йўлида жорий этилган таълим кредити бугун илм олиш истагидаги ёшлар ва уларнинг ота-оналари учун ҳақиқий кўмак бўлмоқда.

Рисолат МАДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

ИЛМ-ФАН

МАЛАКАЛИ ПЕДАГОГЛАР "ФАБРИКАСИ"

ИГНА БИЛАН ҚУДУҚ ҚАЗИШГА ТЕНГ ЗАҲМАТ ҲАММАГА ХОС ЭМАС

Малакали педагоглар тайёрлашда Навоий давлат педагогика институтининг ўзига хос ўрни бор. Зеро, қирқ йиллик тарихга эга олий таълим муассасаси замонавий моддий-техник база, тажрибали профессор-ўқитувчилар ва билимга чанқоқ талабаларга эга. Жорий йилда талабалikka тавсия этилган йигит-қизлар учун масъулиятли давр бошланди. Ҳар йили институт ректори янги қабул қилинган талабалар билан суҳбатлашади. Мухими, бу каби мулоқотлар ўқув йили давомида профессор-ўқитувчилар иштирокида ташкил этилиб, талаб ва тақлифлар ўрганиб борилади. Албатта, максадлар бирлашган манзилда ютуқлар бардавом бўлади, режаларни амалга ошириш йўлидаги интилиш ортади. Олий таълимдаги ислохотлар самараси эса малакали мутахассисларни тайёрлашдек жараённинг салмоғида акс этади.

— Таълим соҳасидаги ислохотлар улкан ютуқларга асос бўлаётир. Бунинг институти мисолида кўрсак, 2017 йилгача педагогларимизнинг илмий салоҳияти 17 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозир 38 фоизга етди. 2026 йилда илмий салоҳияти 60 фоизга етказмоқчимиз. Айни вақтда институтнинг 11 факультетида 31 таълим йўналиши, 18 магистратура ихтисослиги бўйича 22 мингга яқин талаба тахсил олмақда. Уларга 600 нафардан зиёд профессор-ўқитувчилар билим бериш бораборида, касб сирларини ҳам ўргатапти, — дейди Навоий давлат педагогика институти ректори Баҳодир Собиров. — Давлатимиз раҳбари жорий йил вилоятимизга ташрифи чоғида институт негизида Навоий давлат университетини ташкил этиш тақлифиди амалдирган эди. Айни вақтда бу борада билдирган ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 7 июндаги "Навоий давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, 2027 йилгача 12 минг ўринли ўқув биноси, 2400 ўринли талабалар турар жойи, спорт майдончалари ва заллар, амфитеатр, сайилгоҳ ҳамда замонавий ўқув жиҳозларига эга бўлган лабораториялар барпо этиш бўйича комплекс курилиш ишлари бажариллади.

Айни вақтда институт АҚШ, Буюк Британия, Россия, Жанубий Корея, Канада, Латвия, Қозғистон, Қирғизистоннинг етакчи олий ўқув юрталари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. Бу таълим сифатини яхшилаш, мутахассислар малакасини ошириш, ўзаро тажриба алмашиш имконини беради. Бу борада институтда чет тиллардан сабоқ берадиган ўқитувчиларни тайёрлашдек вазифа ҳам борки, бу йўналишда эришилаётган натижалар салмоғи ҳам кам эмас.



Амалий таълим малакали мутахассис тайёрлаш машаққатини кўп йиллик тажрибага эга таълим фиклири яхши билади. Лаборатория жиҳозлари етишмаслиги талабаларга замон талаби даражасида билим беришга тўсқинлик қилади. Ҳозир фахрий ўқитувчиларнинг кўп йиллик орузси амалга ошган: бўлғуси мутахассислар замонавий жиҳозлар билан таъминланган хоналарда тахсил олиш имконига эга.

— Бир неча йил аввал лаборатория жиҳозлари етарли бўлмагани, бори ҳам талаба жавоб бермаслиги сабабли талабаларимизга сифатли таълим беришимиз мушкул эди. Ҳозир лабораториямиз энг замонавий ускуналар билан таъминланган. Жумладан, Германиядан келтирилган юқори аниқликдаги ўлчов техникалари билан биологитиди. Албатта, бу ўз самарасини бермоқда, — дейди кафедра мудури Аҳром Аҳмедов.

Йигит-қизларнинг дарсдан бўш вақтда қулай шaroитда дам олиши учун ҳам барча имкониятга эга 4 та талабалар турар жойи мавжуд. Институтнинг Каттагон қурбонлари хотираси музейида икки мингга яқин ноёб экспонат, 4 минг ажодимиз ҳақидаги маълумотлар жамланган. Талабалар учун тарихнинг ҳар бир саҳифаси сабоқ, ҳар бир кун хулоса қилиш учун етарли. Аждодларнинг синовларда ўтган ҳар лаҳзаси эса уларни янада қулайроқ, билимли бўлишга ундайди.

Навоий вилоятидаги умумий ўрта таълим мактабларида сабоқ бераётган ўқитувчиларнинг ақсарияти ушбу институт битирувчиларидир. Уларнинг жамиятда, педагогик жамоада ўз ўрни бор. Мухими, институтда фидойи, малакали педагоглар тайёрланмоқда.

Талабанинг моддий қийинчилиги ҳақидаги гап-сўзлар энди ўтмишда қолди. Ҳозирда институтда тахсил олаётган йигит-қизлар дарсдан бўш вақтда ишлаш орқали эҳтиёжига етарли пул топапти.

— Аввал талабалар учун ўқиш билан бирга ишлаш имконияти йўқ эди. Бу уларнинг моддий жиҳатдан қийналишига сабаб бўлар эди. Ҳозир институт талабаларига ҳам ўқиб, ҳам ишлаш учун шaroит яратилган. Ўз йўналиши бўйича меҳнат қилаётган ёшлар учун бир томондан моддий кўмак бўлса, иккинчи томондан билимининг амалиётда синаб кўриш имконини бермоқда, — дейди институт ёшлар етакчиси Акмал Зарипов.

Амалий таълим малакали мутахассис тайёрлаш машаққатини кўп йиллик тажрибага эга таълим фиклири яхши билади. Лаборатория жиҳозлари етишмаслиги талабаларга замон талаби даражасида билим беришга тўсқинлик қилади. Ҳозир фахрий ўқитувчиларнинг кўп йиллик орузси амалга ошган: бўлғуси мутахассислар замонавий жиҳозлар билан таъминланган хоналарда тахсил олиш имконига эга.

— Бир неча йил аввал лаборатория жиҳозлари етарли бўлмагани, бори ҳам талаба жавоб бермаслиги сабабли талабаларимизга сифатли таълим беришимиз мушкул эди. Ҳозир лабораториямиз энг замонавий ускуналар билан таъминланган. Жумладан, Германиядан келтирилган юқори аниқликдаги ўлчов техникалари билан биологитиди. Албатта, бу ўз самарасини бермоқда, — дейди кафедра мудури Аҳром Аҳмедов.

Йигит-қизларнинг дарсдан бўш вақтда қулай шaroитда дам олиши учун ҳам барча имкониятга эга 4 та талабалар турар жойи мавжуд. Институтнинг Каттагон қурбонлари хотираси музейида икки мингга яқин ноёб экспонат, 4 минг ажодимиз ҳақидаги маълумотлар жамланган. Талабалар учун тарихнинг ҳар бир саҳифаси сабоқ, ҳар бир кун хулоса қилиш учун етарли. Аждодларнинг синовларда ўтган ҳар лаҳзаси эса уларни янада қулайроқ, билимли бўлишга ундайди.

Навоий вилоятидаги умумий ўрта таълим мактабларида сабоқ бераётган ўқитувчиларнинг ақсарияти ушбу институт битирувчиларидир. Уларнинг жамиятда, педагогик жамоада ўз ўрни бор. Мухими, институтда фидойи, малакали педагоглар тайёрланмоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири



Ботир Зокиров ижодий меросининг ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги улкан аҳамияти беқиёсдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

“Ўзбек мансоньеси”

ёхуд французларни мафтун этган санъаткор



Аваз МАНСУРОВ, Ўзбекистон давлат консерваторияси хузуридаги Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти ректори

Инсон касбидан қатъи назар, юрт учун фидойи бўлса, халқ, шу ватан деб сидқидилдан меҳнат қилиб яшаса, албатта, элнинг назарига тушади, катта ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлади. Буюк санъаткор, серкирра ижодкор Ботир Зокировдан ўзбек эстрада санъати учун янги йўл, бетақрор ижод услуби қолди. Чунончи, XX аср замонавий ўзбек мусиқа санъатининг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариллиши-ю Ўзбекистонда эстрада санъатининг профессионал даражага етиши хонанда номи билан боғлиқ.

вальс усулига асосланган ушбу қўшиқ хонанда талқинида сокин ва хузурбахш янрагани бос, французлар қалбидан жой олган.

Ботир Зокиров истеъдодининг ёрқин қирралари унинг эстрадада қуйлаган қўшиқларидан ташқари, ижодкор ташкил этган “Музик-холл” дастурининг сценарийлари таҳлилда, қолаверса, композитор Икром Акбаров қаламига мансуб “Сўғд элининг қоллони” операси либреттоси яратилишида намоён бўлади.

Композитор либреттонинг ёзиллиши тарихи ҳақида қуйдагиларни хотирлайди: “Операга либретто ёзиш нияти ҳақида Ботир менга учинчи оғир операциясидан сўнг, биринчи қисм ва мизансценаларни тайёрлаб улгурганини айтган эди. Либретто ёзувчи Явдат Илёсовнинг “Сўғд элининг қоллони” романи асосида дунёга келди. Тугалган либретто илк бор Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрининг бадий кенгашига тақдим этилди.

Мақур опера премьераси 1977 йил 14 июлда ушбу театр ижодий жамоаси ва Ленинград Давлат опера театри бош режиссёри Роман Тихомиров саъй-ҳаракати билан саҳналаштирилди.

Ботир Зокиров серкирра ижодга шўнғиш асосида ижро услубини такомиллаштириш, чуқурлаштириш ва оригиналлаштириш борасида ҳаммиса

изланишда бўлган. Хусусан, Ўзбекистон эстрада жанрида илк бор вокал квартетини ташкил қилиш ҳақида унинг кундаликларида қуйдаги қайдларни учратамиз: “Яна бир муваффақият! Бугунги кун эстрада қўшиғини бойитишда илк бор ўзбек қўшиғини вокал квартети ижро этди. Бу биринчи квартет қўшиғини биз яратдик. Бу, эҳтимол, ўзбек эстрадасида янги жанрни ўзлаштиришда кичик қадамдир. Ахир катта дарёлар ҳам кичик ирмоқлардан бошланади-ку!”

Композитор Икром Акбаров айтган мана бу жумлалар Ботир Зокиров ижоди шайдоси бўлган ҳар қайси инсон қалбини тўлқинлантириб юборади: “Ботир Зокиров бўлмаганида, менинг “Раъно”, “Газли”, “Ер, кел”, “Маҳбубага” каби қўшиқларим ҳам бўлмасди. Унинг дилбар хониши орқали ҳар бир қўшиқ санъат асарни даражасига чиқди. Унинг вафотидан сўнг мен бошқа қўшиқ ёзмадим. Чунки у каби маҳоратли ижрочи, қўшиқ маромига етмагунча ишлашдан чарчамайдиган хонандани бошқа учратмайман”.

Бугун мамлакатимизда ўзбек халқининг ана шундай шўҳратли, суюкли фарзанди — Ботир Зокировнинг номи пойтахт кўчаларидан бирига берилиши ва шу кўчада раъий сиймоси ўрнатилиши, хонанда номи билан янги бир олий таълим муассасаси ташкил этилиши барчани бирдек қувонтирди. Айниқса, мусиқий


эстрада ривож учун фидокорлик кўрса-таётганлар гуруҳини осмонларга кўтарди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 16 октябрдаги “Ўзбекистон давлат консерваторияси хузуридаги Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институтини ташкил этиш тўғрисида”ги қароридан миллий эстрада ижрочилиги мактабларини яратиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, илмий салоҳиятдан самарали фойдаланган ҳолда миллий эстрада санъатини жадал ривожлантириш — айнан шу институтнинг энг асосий мақсади, деб белгиланди.

Президентимиз эстрада санъатининг ҳаётимиздаги ўрни, Ботир Зокиров ҳаёт йўли ва ижодий мероси аҳамиятини қуйдаги сўзлар билан таърифлади: “Халқимиз, хусусан, ёш авлод онгида миллий эстрада орқали миллий ўликни англаш туйғуси, юксак бадий эстетик дид ва тафаккурни камол топтириш — асосий вазифамиздир”.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун бугунги кунда кадрлар сиёсатида алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Ушбу стратегиянинг асосий омилларидан бири — бу таълим ишларидир. Таълимнинг барча босқичларида, хусусан, олий таълимда тубдан ислохотлар қилинаётганини бутун дунё эътироф этиб турган айни пайтда мусиқий таълим реформаси ҳам яққол кўзга ташланиб турибди.

Икки ойдири, Ботир Зокиров номидаги институт янги бинода ўз фаолиятини бошлади. Ўзбек миллий эстрадаси намоёндаларининг “устоз-шоғирд” ижрочилиги мактаблари фаолияти йўлга қўйилди. Миллий эстрадада ижодий ёрқин намоёндалари жалб этилиб, уларнинг самарали



фаолият олиб боришлари учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Барча соҳалар қаторида санъат соҳаси ҳам, жумладан, мусиқий таълим дас-турлари кейинги етти йилда илмий асосланган ҳолда оптималлаштирилмоқда, янги асарларнинг илк ижроси устидан ижодий илганишлар олиб боради.

Кейинчалик “Симфо-жаз” йўналишида йирик асарлар яратиш учун зарур база яратилиши, замонавий овоз ёзиш студияси ташкил этилиб, зарур жиҳоз ва техникалар билан комплектация қилиниши миллий мусиқий эстрада йўналишида замонавий ижро намуналарининг “Олтин фонди” яратилади.

Миллий эстрада санъатимиз асосчиларидан бири, замонавий ўзбек маданиятини дунё миқёсида кенг тарғиб этиш, ижодий ва иқтисодий фаолияти билан халқимиз маънавиятини юксалтиришга беқиёс ҳисса қўшган буюк санъаткор ижодий мероси ана шундай юксак эътиромга муносиб. Халқимизнинг суюкли шоири Абдулла Орипов буюк санъаткор ҳақида шундай шайхон эди: “...Ботир Зокиров катта талант соҳиб, юксак эҳтирос фарзанди, XX асрнинг ўта маданиятли ва зиёли кишиси эди. Бу улғу санъаткор ҳаммиса ҳалол, имонли, ҳақиқатпўй бўлган, ҳар қандай шароит ва вазиятда ўз эътиқодига, ўз санъатига содиқ қолган. Шундай экан, унинг ҳаёт ва ижод йўли ибратли, санъат умри боқийдир”.

талабаларимизни қўллаб-қувватлайди ва дунё халқларига таништиради. Талаба ёшларимиздан иборат вокал-чолғу ансамбллари тузилади, эстрада-жаз оркестрлари эса жаҳон жаз классикаси ва ўзбек жаз мусиқаси ижро талқинлари, янги асарларнинг илк ижроси устидан ижодий илганишлар олиб боради.

Кейинчалик “Симфо-жаз” йўналишида йирик асарлар яратиш учун зарур база яратилиши, замонавий овоз ёзиш студияси ташкил этилиб, зарур жиҳоз ва техникалар билан комплектация қилиниши миллий мусиқий эстрада йўналишида замонавий ижро намуналарининг “Олтин фонди” яратилади.

Миллий эстрада санъатимиз асосчиларидан бири, замонавий ўзбек маданиятини дунё миқёсида кенг тарғиб этиш, ижодий ва иқтисодий фаолияти билан халқимиз маънавиятини юксалтиришга беқиёс ҳисса қўшган буюк санъаткор ижодий мероси ана шундай юксак эътиромга муносиб. Халқимизнинг суюкли шоири Абдулла Орипов буюк санъаткор ҳақида шундай шайхон эди: “...Ботир Зокиров катта талант соҳиб, юксак эҳтирос фарзанди, XX асрнинг ўта маданиятли ва зиёли кишиси эди. Бу улғу санъаткор ҳаммиса ҳалол, имонли, ҳақиқатпўй бўлган, ҳар қандай шароит ва вазиятда ўз эътиқодига, ўз санъатига содиқ қолган. Шундай экан, унинг ҳаёт ва ижод йўли ибратли, санъат умри боқийдир”.

МУЛОҲАЗА

НИМА ЭСКИ-Ю, НИМА ЯНГИ?



Қутлибека РАХИМБAYEVA, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Куёш ўз ўқи атрофида айланиб, кун, ойлар ўтиб турар экан, ҳаётда ҳам янгиланишлар бўлиб туради. Нимадир кашф қилинади, кашфиётта монанд ўзгаришлар бўлади. Сиёсатда, тузумларда, жугрофий кенгликлардаги ўзгаришларнинг бари инсон тафаккурида акс этади. Демокриманки, табиат ва жамиятдаги янгиланишларни табиий қабул қиламиз. Бунга диалектиканинг қонуни сифатида қараймиз.

йўқ. Лекин тўй барибир ўз оти билан тўйда. Келинчакни жим-жит, худди аздор хондонга ўшаб, эгасиникига олиб бориб қўйиш нима дегани? Ҳеч бўлмаса, ўша ўзимизнинг қадим одатлардан келиб чиқиб, чиройли бир ўйин-кулги қилинмайдими? Уланлар, яллалар, “ёр-ёр”лар оғушида ўша куннинг қадромонлари эпю юрт олдида қимайдими? Ёши улуглар, кўпни кўрганларнинг оила муқаддаслиги, келин-куёвлик вазифалари ҳақидаги яхши гапларини эшитишмайдими?

Ҳаётда бир марта бўладиган бу кунда ёшларга қувонч, хурсанд бўлиш имконини бериш керак, деб ўйлайман. Мен бу борада бир неча аёл билан суҳбатлашдим. “Нима кераги бор ортиқ тарақ-туруқнинг, барибир ёшлар қадрига етмайпти, оилавий ажралишлар кўпчилиги кўрапсиз-у”, деганлар бўлди. “Ихчамликка интиляпсиз-ку, бу ихчамликнинг бир тури”, дегувчилар ҳам топилди. “Ҳа, энди эрак-аёл аралашмасин, дегилмиз-да” тарзидаги жавобларни ҳам эшитдим. Шўқри, менга фикрдошлар ҳам бор экан.

Агар “тарақ-туруқ” деганда созу суҳбат назарда тутилаётган бўлса, меъёрдаги мусиқа, рақс киши туйғуларини тарбиялайди. Ҳаётни сеvimлироқ кўрсатади, яшашга иштиёқ уйғотади. “Ихчамлик”га келсак, мен бундай ўтаётган йиғинларда ихчамликни сезмадим. Ўша дошқозон, суюқ, куюқ, тўқиз-тўқизлар, сарпо-суруқ, пещек-тастурхон...

“Эрак, аёл” деган тушунчага келсак, эрлари бошқа олам, аёллари бошқа дунё жамиятдан кўра, бу икки кўт бир-бирига яқинроқ, бир-бирига тушунарлироқ жамиятда кўпроқ ривожланиш бўлса керак.

Менга “янгилик эскилик” ҳақида чуқурроқ ўйлашга рағбат бераётган фақат мана шу тарзда ўтаётган туйлар эмас. Модомики, гап йиғинлар, расм-русумлар ҳақида

бораётган экан, аза борасида ҳам икки оғиз сўз айтгим келди.

“Аза уч кун”. Расмий тарзда айтилаётган бу гапнинг моҳиятини яхши англайман. Яқиндан айрилиб, юраги хилвиллаб турган хижранзадаларга енгиллик бўлсин, дейилади. Бу — яхши. Лекин баъзи оила-ларда ота-она, ёш йигитлар, норасидалар, чимилдик кўрмаган йиғит-қизлар ҳаётдан кетаётганда ҳам аздорларга:

— Товуш чиқариб йиғламанглар (ё умуман кўз ёш тўкманглар), тақдирга исён бўлади, — дея тўсиб қўйишади. Тўғри, айрим худудларимизда (масалан, Жайхунбўйи тарафларда) чапак чалиб, сакраб, жазавага тушиб йиғлаш бор. Бундай қилиш, балки, ростдан ҳам тақдирга исён-дир. Лекин қай бир жонининг парчаси кетди, сен уни кўра олмайдсан, сўзлаша олмайдсан... У ҳали яшаса бўладиган отанг, онанг, жиғаринг... Келинг, қўйинг, монелик қилманг! Йиғласин, йиғлаб тўкиلسин! Дарди кўз ёшлари билан қўшилиб оқсин! Ахир, Абдулла аканинг “Она кетса, юлдуз эмас, осмон куласа арзир” тарзидаги сатрини биллаимиз-ку.

Энди либослар масаласига ўтсам... Яқинда ўзбек мода оламининг энг таъкидли вакилларида бири, мамлоий либосларимизни дунё бўйлаб намойиш қилиб, катта оқишларга сазовор бўлиб юрган профессор аёл Холлада Комилова билан суҳбатлашдим. Суҳбатдан аввал мен у бош-қў бўлиб ўтказган кўрғазмаларнинг бир нечасини телевизор орқали кўрганман. Тиллақашлар, ипак кўйлақлар, духоба, бекасам чополар, зарковушларда майда қадамлар билан юриб келаётган модельерларни кўришганда Франция, Германия, Япония каби зариф дидли юрт одамларининг хайратдан оғизлари очилган... Бир неча дақиқа ўринларидан туриб, қарсақлар билан оқишлаган.



— Либос фақат эгни-бош эмас. У йиллар давомида халқимиз томонидан яратилган маънавий мерос. Ҳар нақши, ҳар чизгисидан доншманд момоларимиз, болларимизнинг гузал руҳияти бор. Биз ҳар бир кўрғазмага тайёрланган эканмиз, аввало, халқимизни дунёга танитиш, “мана шундай либосларнинг, мана шундай матоларнинг яратувчиси бизмиз”, деган фахру гуруҳни бошқалар олдида намоён қилишни ўйлаймиз, — дейди Холлада Комилова.

Модомики, либосларимиз ўзида шундай мазмун, моҳият акс эттирар экан, бугунги кунда баъзи аёлларимиз, ҳатто ёш қизларимизнинг кийинишида ўзимиздан узоқлашиб кузатилаётгандай. Кимимиздир бошдан оёқ қорага бурканиб, қўзимизга ҳам мунчоқсимон нимадир тўтиб юриб-миз. Баъзиларимиз ўта тор шим, шундай бичимдаги кофта кийиб, рўмолни игимиздан тангиб олганмиз. Яна биргиларимизда қават-қават кўйлақлар-у, қават-қават рўмоллар... Бирортаси ҳам қўлигун, кўнгли тўла нақши ажодларимиздан бизга мерос келётган либосларга ўхшамайди. Биттагина бошдан оёққа тортилган қоп-қора либосни изоҳласак... Миллатимиз аёллари бундай

тусли эгни-бошларни, асосан, азада кийган. Бундан ташқари, ҳамма нарсада бўлганидай, рангларнинг ҳам руҳи бор. Қора ранг кишида тушун қайғиёт уйғотади. Қўвонч, ҳаётсеварлик каби туйғуларга соя солади. Қалбдаги жўшқинлик, интилувчанлик каби ҳиссийларни чегаралайди. Нима учун тинч, осуда замона, мақсадларимиз биздан жуда катта шижоат, шаҳду шиддат талаб қилаётган замонада ўзимизни ўзимиз қора рангга бурқаш нима учун керак? Тўғри, бисотимиздаги тиллақошнинг ҳар кунликка тақийш, духоба, бекасам чопонни кундаликка кийиш иложисиздир. Лекин агар ўзимизни кўз-кўзлаш фикридан йироқ эканмиз, бисотимизда шундай бичимдаги кийимлар йўқми? Бор, жуда бор-да!

Холлада Комилованинг шоғирдлари билан тайёрлаган миллий либосларини кўрсангиз, хайратдан “дод” деб юборасиз! Ҳаё ҳам, ибо ҳам, сирли гузаллик ҳам, жозиб ва шуларда! Бу ҳақиқатни фақат

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1146. 43313 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улугмуродов Мусахҳиз: Шероод Махмудов Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза яқуни — 01.08. Тошириғди — 01.55